

ФАЙЗ ВА РУҲОНИЯТ ИҚЛИМИ

Ҳажжи Мабрур
ва Ура

Усмон Нурий Тўпбош

 «ЭРКАМ»
НАШРИЁТИ



Истанбул - 2020 / 1442 х

© “ЭРКАМ” Нашриёти - 1442 х / 2020

ФАЙЗ ВА РУҲОНИЯТ ИҚЛИМИ

Ҳажжи Мабрур ва Умра

Усмон Нурий Тўпбош

Туркча асл нусхаси номи: Насс-1 Mebrûr ve Umre

Муаллиф: Усмон Нури Тўпбош

Таржимон: Мукаддам Абдурахмон кизи

Мухаррирлар: Ўткирбек Муҳаммад Собир

Одил Ҳамид

Санжар Саид

Умида Азиз

Нилуфар Ўзбек

Мусаххих: Ғиёсиддин Юсуф

Саҳифалаш ва муқова: Росим Шокир ўғли

ISBN: 978-9944-83-762-0

Адрес: İkitelli Organize Sanayi Bölgesi Mahallesi,

Atatürk Bulvarı, Haseyad 1. Kısım

No: 60/3-C, Başakşehir, İstanbul - Türkiye

Тел: +90 212 671 0700 pbx


Факс: +90 212 671 0748

Электрон почта: info@islamicpublishing.org

Веб-сайт: www.islamicpublishing.org

Language: Uzbek





ФАЙЗ ВА РУҲОНИЯТ ИҚЛИМИ

*Ҳажжи Мабрур
ва Ҷиҳра*

Усмон Нурий Тўпбош

 «ЭРКАМ»
НАШРИЁТИ

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	7
Ҳажжи мабрур ва умра	17
Арафот	31
Муздалифа ва қурбонлик	34
Мино ва шайтонга тош отиш	41
Сафо ва марва тепалари, сайъ	44
Каъбаи муаззама	45
Ажал етиб келмасдан	50
Таваккул ва таслимият	53
Мақбул ва мабрур ҳаж ҳамда умра учун маънавий ўлчовлар	57
Мадинаи Мунаввара зиёрати	85



СЎЗБОШИ

Бизни иймон лутфига мушарраф қилган, ўша иймон лаззатини ҳис эттирувчи ибодатлар билан Ўзига етишадиган йўлларни очган Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар бўлсин!

Аллоҳга етишиш йўлида бутун инсониятга бемисл ўрнак ва гўзал раҳбар бўлган зот ҳазрати Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга беҳад салоту саломлар бўлсин!

Инсон фарзандининг битмас-туганмас моддий ва маънавий эҳтиёжлари бор. Масалан, кишининг танасию тириклиги учун ҳаво, сув ва таом зарур. Худди шунингдек, инсон руҳиятининг ҳам эҳтиёжлари мавжуд. Ҳатто булар жисмоний эҳтиёжлардан ҳам муҳимроқ. Чунки тан – тупроқ йўлчиси, руҳ эса абадият йўловчисидир.

Аллоҳ таоло: **“Самода ҳам ризқингиз ва сизга ваъда қилинган бошқа нарсалар бордир”**, – (*“Зориёт”* 22) дея инсоннинг маънавий озуқасига ишора этиб, кўнгилларга вуслат тадоригини ибодатлар сифатида эҳсон қилди. Ибодатлар Аллоҳ таоло тарафидан амр этилган бўлса ҳам, аслида, инсониятнинг энг асосий, воз кечил-



мас маънавий эҳтиёжи ҳисобланади. Зеро, руҳ ва кўнгил ибодатлардан оладиган озуқани бошқа ҳеч нарсадан ололмайди. Бугун айна ҳақиқатни англамаган инсонлар, руҳларини жон талвасасида ўртанаётганини томоша қилиб ўтирибдилар. Кўнгил озуқасини олган бахтиёрлар эса бутунлай бошқа бир оҳанг ва ҳузур иқлими ичида изтироб ва жафоларини ҳам хурсандчилик ҳолига келтириб, ҳаётларини муҳаббат узра истикомат қилмоқдалар. Улар топган маънавий насиба ва файзи илоҳий дунё гирдобларига тушишга йўл қўймайди.

Инсон кўнгил эҳтиёжини қондирадиган, ҳисобсиз неъматларга жавобан нонкўрлик қилмайдиган, аксинча, уларнинг шукрини адо этувчи бўлиши лозим. Бунинг учун баъзи ибодатлар фарз қилинган. Бу гўёки шифокор беморга керакли дорилар рўйхатини бериб, дарддан фориг бўлиш учун уларнинг зарурлигини уқтирганига ўхшайди.

Одамларнинг кўпчилиги танбалликлари ва масаланинг сиридан хабардор эмасликлари боис ибодат эҳтиёжларига нисбатан бегона ҳолда қоляптилар. Аллоҳ таоло бандаларига руҳнинг ҳаётий эҳтиёжи бўлган ибодатларни фарз қилган. Бу билан эса уларни чексиз маҳрумликдан қутқаришни мурод этган. Бу ибодатларнинг бошида, шубҳасиз, намоз туради.



Муносиб ҳолда ўқиладиган бир намозда қалбдаги пардалар кўтарилади, яъни **“намоз мўминнинг меърожидир”**. Ҳақнинг хузурида таърифига тилу қалам ожиз дийдор бор. Бу висол Аллоҳ таолонинг **“Сажда қил ва яқинлаш!”** амрига риоя қилинганидан сўнг тажалли этади.

Намоздан кейин руҳиятимизни озуқалантирган яна бир фарз ибодат рўзадир.

Рўза – сабр, ирода ва нафсоний истакларга қаршилик кўрсата олиш каби ҳолатларни қувватлайдиган, ахлоқий етукликка воситачидир. Рўза улуғ ибодатдир. У Аллоҳ лутф этган неъматларни қадрлашга ўргатади. Инсонлар орасида очларни, фақирларни, ташвиш-машаққатлардан сиқилаётган одамларнинг қийналишларини, йўқчиликдан азобланаётганлар ҳолини тафаккур қила олишга восита бўлади. Яъни давлатманд кишиларга ҳам оч ва фақир инсонларнинг йўқсилликларини ҳис қилдириб, уларни шу нуктада тенглаштиради. Шунингдек, бадавлат одамларнинг ёрдам бериш ва марҳамат ҳислари уйғонишига, тўлқинланишига сабабчи бўлади.

Ислому ижтимоий қонунида фақир билан бой орасида муҳаббатга асос бўладиган, ҳасад ва хусуматни бартараф этиш учун буюрилган яна бир фарз ибодат закот ва инфоқдир. Бу ибодат орқали бадавлат инсонларнинг ўз бойлигига ром бўлиш

натижасида юзага келадиган адашишлар, туғёнга кетиш йўли тўсилади. Камбағалларда бойларга қарши нафрат туйғулари куртак отишига тўсиқ қўйиш билан ижтимоий ҳаётдаги баробарликни сақлаш амалга оширилади.

Бу ибодатлар ёнида яна бир молиявий ҳамда жисмоний фарз ибодат борки, у ҳаждир.

Ҳаж – кўнгиллардаги иймонни камолга етказадиган ва маҳшар манзарасини кўз ўнгидан шу дунёда жонлантирадиган “**Ўлмасдан аввал ўлиш**” сирига эришиш учун восита бўладиган муҳим бир ибодат.

Ҳажнинг маънавий томони зоҳирий томонидан янада аҳамиятлироқдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом “Ҳажжи мабрур” ифодаси билан назарда тутган ҳаж аввалу охири билан маънавий гўзалликлардан иборат. Чунки у руҳоният ила баркамолликка эришган ибодат. Шу жиҳатдан, ҳаж дуо, тавба, истиғфор билан кўнгилни илоҳий раҳмат, барокат ва фазилатларга соҳиб қилиш, ҳаётни солиҳ амаллар билан обод этиш, ҳаждан кейин ҳам бу гўзал ҳолатларда бардавом бўлиш учун Аллоҳ таолога ваъда бермоқдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж ва умра давомида қилинадиган солиҳ амаллар василаси натижаларини ифода этиб, бу муборок ибодатдаги мақсадни шундай баён қилдилар:



“Ҳаж билан умранинг орасини бирлаштиринг. Зеро булар гуноҳни, гўёки темирчи темирдаги зангни кеткизгани каби кетказади”

(Насои, Маносик, 6, Ибн Можжа, Маносик 3).

Маънавий тозаланишга, янгиланишга ва иймон софланишига восита бўлган ҳамда ҳадиси шарифда ҳаж билан орасини бираштирилмаси тавсия қилинган умра ибодати ҳам жуда муҳимдир.

Йилда бир марта муайян кунларда адо этиладиган ҳаж амалидан ташқари йилнинг ҳар вақтида хоҳлаганча умра зиёратини қилиш мумкин. Умра юксак фазилатига биноан “кичик ҳаж” деб аталади. Бу ибодатнинг фазилатини ҳам чуқур идрок қилиш лозим.

Бу ибодатларни фақат соғлом қалб ва ихлос билан қилишга диққат этиш шартдир. Ибодатларимиз Аллоҳ ҳузурида мақбул бўлишини истасак, ғайратимиз ва тоатларимизни ихлос ва одоб доирасида адо қилмоғимиз зарурдир. Бу бизнинг дунё ҳаётида саодатга ҳозирлигимиз бўлади.

Камтарона бу асаримизда ҳаж ва умра ибодатининг маънавий томонини ва тақво ўлчовлари ичида адо этилиши учун керак бўлган одобни ожизона ифода қилишга ҳаракат қилдик. Олдин нашр қилинган мақола ва асарларимизда ҳам буларни баён қилганмиз.

Уларга илова қилиб билимга чанқоқ, ҳаж ва умрага доир асар изловчи биродарларимизга истифодалари учун бу мўъжаз рисола ни ёздик. Қўлингиздаги китобда ҳаж ва умрага доир йўл-йўриқларнинг руҳий-маънавий томонига эътибор қаратилган.

Аллоҳ таоло бутун ибодатларимизни доимо ихлос ва тақво ўлчовлари ичра адо қилишни барчамизга насиб этсин. Охират сафаримизда намозимизни, рўзамизни боқий йўлдошимиз, закот нафақаларимизни охират таомимиз ва ҳажимизни энг мақбул кўнгилдошимиз айласин! Ибодатларимизнинг ҳар бирини ҳузур билан муносиб тарзда адо қилмоққа ҳаммамизни муваффақ қилсин! Омин!

*Усмон Нури Тўнбош,
Август, 2006 йил
Ускудар*







ҲАЖЖИ МАБРУР ВА УМРА

Исломнинг беш арконидан бири бўлган ҳаж молиявий ва жисмоний ибодатдир. Кўп фазилатларга эга бўлган бу ибодатни муносиб тарзда адо эта олиш юксак маънавий қувват, комил иймон ва ирфон уфқларига боғлиқдир.

Ҳаж набийлар силсиласининг аввали Одам алайҳиссаломдан бошлаб охирзамон пайғамбарига қадар давом этган. Ҳаж маҳшарнинг бир кўриниши, “Ўлмасдан аввал ўлингиз!” сирининг ҳақиқатига эришишга восита бўладиган улуг ибодатдир.

Одам алайҳиссалом ва Ҳавво онамиз ҳузур ва саодат иқлимида яшамоқ узра ҳозирги Каъбанинг ўрнини илк ибодатхона қилгандилар. Одам болалари ҳаёт тарзи ва ижтимоий шартлар сабаби билан турли шаҳарларга тарқалдилар. Орадан асрлар ўтди, насллар ўзгарди, Ҳақ динидан адашишлар бўлди ва бир муддатдан сўнг бу муқаддас ибодатгоҳ ғойиб бўлди. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг амри билан уни қайта бино қилдилар ва дуолари билан у шаҳарнинг баракот-



ланишига васила бўлдилар. Аллоҳ таоло бу ҳақда Куръони Каримида шундай марҳамат қилади:

“Эй, Муҳаммад) эсланг, Иброҳим айтган эди: «Эй, Раббим! Бу шаҳарни (яъни, Маккани) тинч қилгин, мени ва авлодларимни санамларга сиғинишдан йироқ қилгин! Эй, Раббим У (санам) лар кўп одамларни йўлдан оздирди. Бас, ким менга эргашса, ана ўша Мендандир (менинг динимдадир). Ким менга итоатсизлик қилса, яна Ўзинг кечиримли ва меҳрибонсан.

Эй, Раббимиз! Мен зурриётимдан (бир қисмини – ўғлим Исмоил ва унинг онаси Ҳожарни) Сенинг хурматли Байтинг хузуридаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирдим. Эй, Раббимиз! (Улар) намозни мукамал адо этсинлар деб (шундай қилди). Бас, Сен Ўзинг одамларнинг дилларини уларга мойил қилиб қўйгин ва уларни (барча) мевалардан озиклантиргин, шояд (шунда) шуқр қилсалар.” *(Иброҳим, 35-37)*

Ҳаж ибодатининг жойи исломиятдан аввал ҳам бор эди. Аммо мушриклар уни ибодат макони ҳолидан чиқариб, гўёки, куч-қувватли кимсаларнинг макони, ғайри ахлоқий манзилгоҳга айлантиргандилар.



Араблар орасида нуфузли қабила бўлган Қурайш жамоаси эгнида кийим билан Каъбани тавоф қилар, бошқа араблар эса эркагу аёл деярли яланғоч ҳолда тавоф қилишарди. Кийимларини ечиб қўйган омманинг аврат ерларини ёпиши Қурайш аҳлининг мардлигига боғлиқ эди. Агар Қурайшликлар кийим берса, улар ёпинар, бермаса, яланғоч ҳолида тавоф қилишарди. Қурбонлик қилишганда ҳам қонини Каъба эшиги ва деворларига суркашар эди, гўштларини эса ёқиб юборишарди.

Ниҳоят саодат асри келди ва Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи ва саллам билан баркамол ахлоқ намоён бўлди, бу беҳаё одатлар ва хурофотлар бутунлай йўқотилди. Зеро, Исломда ҳар ибодатнинг асл ғояси Аллоҳни зикр этмоқ ва Ундан мағфират тиламоқдир.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам маркази Макка ва Мадина бўлган араб диёрида саодат асрини барпо этдилар. Шундай қилиб бу шаҳарлар қиёматгача ислом ва мусулмонларнинг уриб турган юрагига айланди, муборак ва гўзал бир макон ҳолига келди.

Ҳаж қилинадиган муқаддас тупроқлар Одам алайҳиссаломдан бошлаб замонамизгача мўмин кўнгилларнинг руҳониятлари ила файзланди, ошиқона кўзёшлар билан намланди. Орифо-



на кўнгил билан ҳаж қилганлар, ул маконларда пайғамбарларнинг маънавий изларини ҳис этмоқ, тафаккур қилмоқ билан роҳатланадилар. У ерларда доимо Аллоҳнинг раҳмат, мағфират ва баракоти ёд этилади. Шу жиҳатдан ҳажнинг бир ғояси Роббимизнинг у муборак маконлардаги нишонларига эҳтиром ва ҳурмат кўрсатмоқ, у ердаги муқаддас мақомларнинг хотираси билан кўнгилларга файз бермоқдир.

Ҳажваумраниятибилан муборактупроқларга кадам қўйганлар, Иброҳим алайҳиссаломнинг:

“Ё Раб! Гуноҳларимизни кечир, афв эт! Сен энг буюк Раҳмон ва Раҳимсан. Ё Раб! Менинг авлодимни ҳам менинг йўлимда, менинг динимда солих қил!” деган дуоларига кўшилиб бу дуолардаги баракотга эга бўлурлар.

Шунга ўхшаган беҳисоб неъматлар у муборак маконларнинг соғинчи, иштиёқи мўминларнинг кўнглини ўртайди. Қанча ишқ қарвонлари гоҳ:

*Кўрмас бўлдим йироқнию яқинни,
Гўзал Каъбатуллоҳ сенга борайин! – дея ох
тортса, гоҳ –*

*Эй боди сабо, етсанг Ҳарамайнга,
Саломим етказ Расули Сақалайнга...*

*“Эй тонги сабо! Агар йўлинг Макка ва
Мадинага тушса, инсу жиннинг Пайғамбари*



Муҳаммад Мустафога саломимни етказ!” каби ифодалар билан у муборак шаҳарларга ва Оламларнинг сарварига муҳаббат тўла саломларини юбордилар.

Бу муҳаббат кўринишлари кўнгилларда шунчалар ўрнашадикки, муқаддас тупроқларга кетаётганларнинг дуо ва саломлар билан машғул бўлишлари одатий ҳолга айланган. Ҳажга кетаётганларнинг қулоғига пичирлаб айтилаётган ишқ-муҳаббат тўла кўнгил талабларини, шоир шундай баён қилади:

*Ўтганингиз йўлларга,
Биздан салом етказинг.
Ҳақ дўст, деган қулларга,
Биздан салом етказинг!..*

*Боринг, ҳажнинг адосига,
Эришингиз сафосига.
Муҳаммад Мустафосига
Биздан салом етказинг!...*

*Макка билан Мадина,
Икки тенгсиз хазина,
Чаҳор ёрлар юзина
Биздан салом етказинг!..*

*Лаббайк дебон бўйига,
Чопинг замзам сувига,
Бани Ҳошим наслига,
Биздан салом етказинг!..*



*Кирсангиз гар эҳромга,
Қўл сурмангиз ҳаромга,
Саҳобаи киромга
Биздан салом етказинг!..*

*Ёлвориб Роббимизга,
Дуолар қилинг бизга,
Муаззам Каъбамизга
Биздан салом етказинг!..*

*Кирганлар ишқ боғига,
Тушмас гафлат оғуға,
Ул гўзал Нур тоғига
Биздан салом етказинг!..*

*Кириб кўнгил хатмига,
Сажда қилинг Раҳимга,
Мақоми Иброҳимга
Биздан салом етказинг!..*

*Ҳақдан келган ҳужжатга,
Очилган ҳар қанотга,
Мино ва Арафотга
Биздан салом етказинг!..*

*Жаннатул Бақиймизга,
Гулишани покимизга,
Фараҳи нақдимизга,
Биздан салом етказинг!..*

Бу ишқ ва муҳаббат туғени ичида яшаб та-
скин тополмаган кўнгиллар, Ҳақ дўстлари “тоййи



макон”га ноил бўлдилар. Раҳмат диёрига шошдилар ва намозларини у ерда адо қилдилар.

Инчунин, Азиз Маҳмуд Худойи Ҳазратларининг маънавият самоларида қанот очишига васила бўлган ушбу ҳодиса машҳурдир:

Бурса қозиси бўлган йилларида Худойи ҳазратларининг ҳузурига бир даъвогар келади. Бир хотин эридан шикоят қилиб шундай дейди: “Қози ҳазратлари! Эрим ҳар йили ҳажга кетишга ният қилар, фақат фақирликдан бора олмасди. Бу йил ҳам ҳажга кетаман деб маҳкам турди. Ҳатто “Агар бу йил ҳам ҳажга кетолмасам, сендан ажрашаман!” деди. Сўнгра курбон байрамига яқин йўқ бўлиб қолди. Беш-олти кундан сўнг пайдо бўлиб, ҳажга бориб келганлигини сўзлади. Ҳеч шундай бўладими? Қози ҳазратлари! Энди бу ёлғончи одамдан ажралишни хоҳлайман!”.

Қози Маҳмуд Ҳазратлари қилинган шикоятни текшириш учун хотиннинг эрини чақиртирди. “Аёлингнинг гапи тўғрими?” – деди.

У одам:

“Аёлим айтган гап ҳам тўғри, мен айтган гап ҳам тўғри. Мен ҳажга бориб келдим. Ҳатто у муборак ўлкада баъзи бурсалик ҳожиларни кўрдим. Уларга ҳадяларимни бир қанчасини олиб келиб беришлари учун омонат қилиб топширдим”, – деди.



Қози Маҳмуд Ҳазратлари хайратланиб: “Бу қандай бўлди?!” – деди.

“Ҳазратим, ҳар йили кетаман деб кета олмасдим. Бу йил ҳам кетолмагач, улкан қайғу билан эскифуруш Муҳаммад бобога кетдим. У кўлларимдан ушлаб “Кўзларингни юм” деди. Кўзимни очганимда Каъбада эдимй!”, – деди.

Бундай бир маънавий тасарруфга илк бора гувоҳ бўлган қози ҳазратлари бу ҳақиқатдан узок бўлган ҳолат, дея унинг ифодаларини қабул этмади.

Шу ҳолат устида, муқаддас тупроқлардаги руҳоният ва маънавият иқлими ҳиссиётидан ҳали узилиб улгурмаган одам, тиниқ бир изоҳ берди:

“Қози ҳазратлари! Аллоҳ таолонинг душмани бўлган шайтон бир лаҳзада бутун дунёни кезади-ю, Аллоҳнинг дўсти бўлган ҳос бир кул нечун бир онда Каъбага кетолмасин?!”

Қози ҳазратлари бу жавобни жуда маъноли эканини тан олди, ҳукми эса бурсалик ҳожиларни қайтишигача кечиктирди. Улар қайтгач, суриштирув натижасида бу воқеа ростдан содир бўлганини гувоҳи бўлишди. Сўнг даъвони бе-кор қилди. Аммо қалбига бир оташ тушди. Сўнг эскифуруш ота орқали Уфтода ҳазратларининг маънавий ҳалқасига кириб, жаҳон қутби ва бир кўнгил султони бўлдилар.



Муборак тупроқларга фақат соғинч иштиёқи, кумли чўлларни сайр этмоққа борилмайди. У ерларга Иброҳим алайҳиссаломнинг мақомини, Исмоил алайҳиссалом ва авлодининг ватанини зиёрати учун борилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туғилиб ўсган ва исломни ёйган ерларни кўрмоқ, Борлиқ Нурининг ҳавосидан кўнгил ва ўпкани тўлдириш ният қилинади. Ҳақ дўсти бўлган бир шоир ажойиб тарзда шундай дейди:

“Бошдан охир, қай томонига кўз югуртирсам, саноқсиз мўъжиза. Қалбим туби ёришиди: “Зеро асл макон шу ердир!”

Бу ифодадар, фақатгина шоирона бир ҳиссиёт эмас, аини замонда илоҳий ҳақиқатдир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“У ерда қанча очик ишоратлар бор...”** (*“Оли Имрон” 97*)

Шунинг учун у қудсий маконларда, кўзларидаги ғафлат пардаларини оралаб кўнгил кўзлари билан атрофга боққанларнинг иймон дарёлари тўлиб тошади. Илоҳий ишқу муҳаббат бутун борлиқларни қоплаб олади. Қаерга қарасалар, илоҳий туйғулар чулғаб олади, натижада кўзлари ёшланиб, диллари доимо тасбеҳ ва таҳлил билан машғул бўлади. Бу ҳолат ҳам ояти каримада баён қилинган:



“Кимки Аллоҳнинг нишонларига ҳурмат кўрсатса, (билсинки) ҳеч шубҳасиз бу, қалбларнинг тақвосидандир” (“Ҳаж” 32).

Демак, ўша ҳолатлари, оятда айтилган сирларидан насибаланишдир.

Шу жиҳатдан ҳаж фақат моддий ва зохирий бир ибодат эмас. Унинг маънавий тарафи зохирий тарафидан ҳам муҳимроқдир. Пайғамбариз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Ҳажжи мабрур” ифодаси билан айтилган ҳажда барча маънавий гўзалликлар мужассам. Шу жиҳати билан ҳаж дуо, тавба ва истиғфор билан кўнгилларнинг илоҳий раҳмат, баракот ва фазилатларга эришиши демакдир. Ҳаётни солиҳ амаллар билан безаш, ҳаждан кейин ҳам бу ҳолатда давом этиш учун Аллоҳ таолога ваъда бермоқдир.

Иброҳим алайҳиссаломнинг мана бу дуолари нақадар гўзал: **“Эй Роббимиз! Иккимизни (ўғлим Исмоил ва мени) сенга таслим бўлганлардан айла! Наслимиздан ҳам Сенга таслим бўлганлардан бир уммат етиштир! Бизга ибодат йўлларимизни кўрсат: Тавбамизни қабул эт! Сен тавбаларни қабул қилувчи, марҳамат соҳибсан!”** (“Бақара”, 128)

Зеро, ҳаж ибодатини адо этиш учун йўналган ошиқ кўнгиллар, бир тарафдан бу дуо ила йўғрилиб, бошқа тарафдан Ҳарамии Шариф



ичида ва бутун Макка кўчаларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам юрганларини, яшаганларини фикр қилиб, У зотнинг қадам изларини босаётганини оз бўлса-да хаёл қилади. У изларга жону дили билан юз суриш ҳаяжонига берилади. У зот ҳақидаги ўй-хаёлларга ғарқ бўлади.

Масалан, Сафо тепасида Пайғамбаримиз алайҳиссалом Макка мушрикларига хитоб қилганларини кўз ўнгида жонлантиради. Яна фикр қиладики, Оламларнинг сарвари, бу тепадан Маккаликларга Абу Қубайс тоғини кўрсатиб шундай дедилар:

“Сизга шу тоғнинг орқасида душман бор. Тўғри шу ерга яқинлашмоқдадир. Жонингизга қасд қилиб келишяпти. Сизлар ҳам тадбирингизни кўринг!” десам, менга ишонасизларми?”

Маккаликлар: “Ишонамиз. У тоғнинг орқасини кўрмасак ҳам, сен Муҳаммад Амин бўлганлигинг учун берган хабаринг тўғрилигидан асло шубҳамиз йўқ!” – дедилар.

Бунинг устига Борлиқнинг Нури бўлган соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

“Мана шунга ишонганингиз каби шунга ҳам ишонингизки, бу оламни яратган, ёлғиз ва Қодир бўлган бир Аллоҳ бор! Сизлар сиғинаётган бутлар, ожиз бир тош, тупроқ ёки



ёғоч парчаларидир. Улардан воз кечиб яккаю ягона Аллоҳга иймон келтиринг. Билингизки, мени Аллоҳ сизларга Пайғамбар қилиб юборди” деганларида амакилари Абу Лаҳаб бошчилигидаги мушриклар:

“Сен бизни бу ерга шунга чақирдингми?” деб, у кишидан юз ўгирдилар ва тарқалдилар.

Виждонан тўғрилигини қабул қилганлари ҳолда нафс тақозоси билан У Зотни ёлғончига чиқаришди.

Лекин Оламларнинг Сарвари бундай ғафлат ва залолатларга енгилмадилар. Набавий бир ғайрат-ла илоҳий ҳақиқатларни ташна кўнгилларга оби ҳаёт каби тақдим этишда давом этдилар.

Зеро, ҳажда бундай ибратли ҳақиқатларни тафаккур қилувчи бир кўнгил Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳаёт йўлларига, намуналарига назар ташлай олади. Арқамнинг уйи олдидаги, уйнинг ичкарасидаги дарс ўринларида хушув ила Куръон таълими берилганлигини кўра олади.

Бу таълимларнинг ортидан рўёбга чиққан хижрат ва бошга илоҳий баракотларни кўнгилларимизга сингдира оламиз.

Савр ғорида Расулимиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам ва Абу Бакр розияллоҳу анҳу ора-



сидаги маънавий баракотни англаймиз. Уларнинг у ерда уч кун илоҳий сирларга ғарқ бўлиб қалбларни кашф қилиш истиқоматида яшаганлари, суҳбатларидан истеъдодимиз даражасида бахраманд бўла оламиз.

У суҳбатлар бошланган олтин силсиланинг муҳаббат иқлимида кўнгилларимизга комил маънода иймоннинг ҳаловатини ҳис эттира оламиз.

Бу ҳаловатни тотган ҳолда, ҳар бири юлдуз мисоли асҳоби киромга тобеъ бўлиб, минг бир ҳикмат ва ибрат тўла Мадинаи Мунаввара хотираларидан кейин яна Маккаи Мукаррамага қайтишни ўйлаймиз. Яъни ул муборак шаҳарни Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам фатҳ этганларини, кўз ўнгимизда жонлантираимиз.

Атрофдаги тоғларга қараб, Макка фатҳига келган бир неча саҳобаи киромдан ташкил топган ислом лашкарини, мушрикларга қўрқув солиш учун ёққан минглаб машъала тасвирларини тушда кўргандек кўз ўнгимизда гавдалантириб, томоша қиламиз. Билоли Ҳабаший розияллоҳу анхунинг ўша куни Байтуллоҳ устига чиқиб ўқиган азонининг жарангдор ва сеҳрли овозлари кулоқларимиз остида жаранглайди. Ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг:



“Ҳақ келди, ботил зоил бўлди...” (“Исро”, 81) оятини ўқиб Каъбадаги бутларни йиқитганлигини хаёл қиламиз.

Буларнинг орқасидан кўнгиллар ҳам Каъба эканини ҳис қиламиз. У ер ҳам чеки йўқ нафсоний муҳаббатлар билан бутхона ҳолига келиши мумкинлигини ўйлаймиз. Ҳаж ибодатининг ҳар саҳифасидан олаётганимиз руҳий ва маънавий қувват билан у бутларни йиқитиб, кўнглимизни комил маънода илоҳий назаргоҳга айлантиришга ҳаракат қиламиз.

Зеро, гўзал тажаллиларни барпо қилувчи тажаллиёт эшиги бўлган ҳаж ибодати, ҳар қандай инсон учун маънавий тозаланиш, покланиш, “тирилиш” ҳодисаси ҳисобланади. Бу тирилишни иншо қиладиган ҳаж фарзлари, ҳар бир мусулмон учун динини камолотга етказадиган ибодатдир.

Ҳаж – борлиқ ва нафс кийимларидан қутулиб Руҳоний бир ҳаётга қадам қўймоқликдир.

Ҳаж – инсон руҳининг оҳангини, иқлимини ва рангини асл ҳолига келтирадиган, файз ёмғирлари билан ювиб поклайдиган, руҳоният зоҳиротларига тўлиқ ибодат.



АРАФОТ

Арафот – афв ва илтижо мақоми.

Арафот қабрдан қиёмат тонгига тирилиш ва тўп-тўп бўлиб маҳшар майдонига йиғилиш манзарасини эслатади. Бандалар Аллоҳнинг хузурида ожиз, муҳтож ва умидвор ҳолатда афв этилмоқни кутадилар. Кўнгил ва кўзлар тавба ёшларидан намланади. Ҳаққа неча-неча самимий илтижолар юксалади. Ҳаёт дафтарларида покиза саҳифалар очилади ва Аллоҳ таолога умрининг қолган қисмида итоат узра яшаши тўғрисида ваъда берилади.

Арафот гўё маҳшар манзараси кабидир. Қиёматдаги ҳолатнинг бир кўриниши унда намоён бўлади. Дарҳақиқат, у ер қабрдан тирилиб ҳар бир одам ўз гуноҳларини надомати билан жонининг дардига тушиб маҳшаргоҳга келиши ва чорасизлик аро қоврилиб, Роббига астойдил ёлвораётган ҳолатни эслатади. Устида икки парча кийим, ялангбош ва ялангоёқ бутун дунёвий мартабалардан айри қолинган ҳолат...

Шунингдек, Арафот қадим хотираларга етаклайди. Маълумки, ман қилинган мева сабабли жаннатдан чиқарилган, Аллоҳнинг иродаси билан айро ерларга туширилган Одам алайҳиссалом ва Ҳавво онамиз бир-бирларидан узоқда муштоқликда қолганлар.



Одам алайҳиссалом Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Аллоҳ ҳузурдаги мавқеи ва шарафини тушуниб, Аллоҳ таолодан ул зотнинг ҳурмати учун афв тиладилар. Ниҳоят дуолари қабул бўлди.

Аллоҳ таоло у кишига йўл кўрсатиш учун Маккада бир фариштани маъмур қилди. Ўша дуонинг барокати билан Жиддада яшаётган Ҳавво онамизга ҳам бошқа фаришта раҳбарлигида Одам алайҳиссалом тарафига тўғри йўлга чиқарилдилар. Арафа куни аср вақтида Арафот водийсида учрашиб йиғладилар ва такрор истиғфор айтдилар.

Карами чексиз бўлган Аллоҳ таоло уларнинг дуоларини қабул айлади. Насллари то киёматга қадар ҳар йили айни шу кун ва шу соатда шу ерга келиб афв тилашларини ихтиёр этди. Уларнинг дуолари қабул қилиниб, гуноҳлари мағфират бўлишини ваъда бериб лутф айлади. Яъни ҳожиларнинг арафа куни Арофатга чиқиб истиғфор айтишларининг ҳикмати ҳам мана шунда. Бу учрашувларидан сўнг Одам алайҳиссалом билан Ҳавво онамиз Аллоҳнинг амри билан бугунги Макка шаҳрининг ўрнида ватан қилдилар. Шу сабабли Макка шаҳрининг яна бир номи “бутун шаҳарларни онаси” деган маънода “Уммул Қуро”дир.



Зеро, Маккада ватан, ранг, бойлик-камбағаллик, либос каби фоний тушунчалар ўз кучини йўқотади. Бу юрт мўминларнинг ислом қардошлиги остида ягона халқ эканини англатади. У ерда амир-маъмур, бой-фақир, жоҳил-олим – ҳаммаси бир ерда, бир хил либос ичида, айни сафда, айни майдонда бўлади. У ер фоний бойлигу фақирликлардан ажраладиган маскандир. Кафан иқлимига кириб, Роббига илтижо қилиш ва қиёматнинг даҳшатли манзаралари ҳиссиёти билан дағ-дағ титрайдиган маскандир ул муборак жойлар.

У муқаддас шаҳар, омонлик, ҳузур ва муҳаббат кучоғи, кўнгилларни файзу барокатга раҳматга тўлдирган Пайғамбарлар маконидир.

Бугунги кунда ислом оламининг бутун оғриқларига қарамай у муборак маконларда ҳаж ва умрада бўй кўрсатган бирдамлик, биродарлик ва муҳаббат кўриниши дунё миллатларининг ҳозирча фақатгина хаёлларини зийнатламоқда. Миллатлараро тенглик ва тотувлик хаёлларини доимо шундай савияга етказиш ҳасрати билан яшамоқда ва бу хусусда комил муваффақиятни кўлга кирита олганлари йўқ. Зеро, моддий фаровонликларига муқобил маънавий чўкишларининг ортидан гоҳ ичида, гоҳ ташқарисида ҳисобсиз айрилик, кин, адоват, зулм, ҳақсизлик ва адолатсизлик шамоллари тингани йўқ.



МУЗДАЛИФА ВА ҚУРБОНЛИК

Муздалифа Арофатдан кейин туради. Қуръони Каримда келтирилган “**Ал Машъарул Ҳарам**”нинг руҳонияти, раҳмат кўринишлари бор бўй-басти билан намоён бўлган макон, қалб Роббининг азамат ва қудрат тажаллилари ила йўғрилган маскан, ҳар нарсани ортга ташлаб, буюк муҳаббат ва таслимиятда фақат Аллоҳга юзланадиган таълим еридир.

Санокли кунлар тугагач, Иброҳим алайҳиссаломнинг маънавий қурбонлиги тимсоли ўлароқ қурбонлик сўйилади. Бу ҳол ҳожиларни кўнгил дарёсида у улуғ Пайғамбарнинг хиссиётини ва туйғуларини тўлқинлантирадиган раҳмат ва ҳикмат боди сабосидир.

Бу ҳолатни ҳис қилганларни тилидан Халилуллоҳга Қуръони Каримда марҳамат қилинган сўзлар: “**Албатта мен юзимни осмонлару ерни яратган Зотга, тўғри йўлга мойил бўлган ҳолимда юзлантирдим ва мен мушриклардан эмасман**” (“*Анъом*”, 79). “**Дегилки: Намозим, ибодатларим, ҳаётим ва ўлимим, оламларнинг Робби бўлган Аллоҳ учундир. Унинг шериги йўқ. Ана шунга буюрилганман. Ва мен энг аввалги мусулмонман**” (“*Анъом*”, 162, 163).

Иброҳим алайҳиссалом Бобилдан Шомга қараб кетаётганда: “**Мен Роббимга кетяп-**



ман. У менга тўғри йўлни кўрсатади! Роббим менга солиҳлардан бир фарзанд бер!” – деди (“Софفات”, 99, 100).

Бу ерда қалбнинг, яъни ички оламнинг энг аъло дўстга етишиш йўлидан бораётганлик ишораси бор.

Ояти кариманинг давомида Ҳазрати Исмоил алайҳиссаломнинг хушхабари ва қурбонлик ходисаси зикр этилади:

“Бас унга ҳалим ўғил хушхабарини бердик” (“Софفات”, 101).

“Қачонки у Иброҳим билан бирга юрадиган бўлгач, (Иброҳим): “Эй ўғилчам, мен сени тушимда (қурбонлик учун) сўяётганимни кўрдим, энди сен ўзинг бир фикр (бунга) нима дейсан?” – деди. У ҳам жавобан: **“Эй, отажон Сенга (Аллоҳ томонидан) буюрилган ишни қилгин! Инша Аллоҳ, мени сабр қилувчилардан топасан”,** – деди (“Софفات”, 102).

“Ҳар икковлари таслим бўлиб (Иброҳим) уни пешонаси билан ётқизган эдики, Биз унга нидо қилдик: “Эй Иброҳим, дарҳақиқат, сен тушингни рост бажо қилдинг. Биз эҳсон сохибларини шундай мукофотлантирамиз. Бу ҳақиқатан жуда оғир имтиҳондир” (“Софفات”, 103, 106).



“Биз ўғлига бадал қилиб унга буюк бир қурбонлик бердик. Ва кейинги (авлод)лар орасида (Иброҳим ҳақида) гўзал мақтовлар қолдирдик. Иброҳимга саломлар бўлсин. Биз эҳсон соҳибларини шундай мукофотлаймиз. Чунки у бизни мўмин бандаларимиздандир”
(“Соффат”, 107, 111).

Иброҳим алайҳиссалом Ҳожар онамиз билан Исмоил алайҳиссаломни Маккага ташлаб келганларидан сўнг Сора онамизнинг ёнига қайтдилар. Гоҳ-гоҳ хабар олиб турар эдилар. Бир сафар Маккада бир туш кўрдилар. Тушларида оятда буюрилгандек Исмоил алайҳиссаломни қурбонлик қилаётган эдилар. Иброҳим алайҳиссаломнинг бу тушлари уч тун такрорланди. Бу кунлар ҳаж мавсумининг тарвия, арафа ва ҳайитнинг биринчи куни эди.

Бир ривоятда Иброҳим алайҳиссалом: “Аллоҳ менга бир ўғил берса, уни Ҳақ йўлида қурбонлик қиламан”, – деган эди.

Ана ўша сўзи сабабли имтиҳонга тушдилар.

Иброҳим алайҳиссалом Роббидан келган амр устида Ҳожар волидамизга, хуш ифор сепишни, уни бир дўстига олиб бормоқчи эканлигини айтдилар. Исмоил алайҳиссалом ҳам ёнига бир арқон ва пичоқ олишини таъкидлади.



“Ўғлим Аллоҳ ризоси учун қурбонлик қиламан!” – деди.

Арофатда ҳожилар турадиган ерига қараб йўналдилар. Шу орада шайтон инсон кўринишида Ҳожар онамизнинг ёнига келди ва унга:

– Иброҳим ўғлингни қаерга олиб кетди биласанми? – деди.

Ҳожар онамиз:

– Дўстига олиб кетди, – деди.

– Йўқ, бўғизламоқ учун олиб кетди, – деди шайтон.

– У ўғлини жудаям яхши кўради, – деди ва шайтонга ишонмади.

Шайтон эса макрида давом этиб:

– Аллоҳ амр қилгани учун бўғизламоқчи эмиш!..

Ҳожар онамиз:

– Агар Аллоҳ жалла жалалуху амр қилган бўлса, бунда муҳаққақ бир гўзаллик бордир, – деди.

Шайтон Ҳожар онамизни ишонтира олмагач, Исмоил алайҳиссаломнинг ёнига кетди.

Бу сафар ундан сўради:



– Отанг сени қаёққа олиб кетяпти, биласанми?

Исмоил алайҳиссалом:

– Роббининг амрини ижро қилгани, – деди.

– Биласанми, сени сўйиш учун олиб кетяпти, – дея шайтон васваса қилди.

Бунга жавобан Исмоил алайҳиссалом:

– Йўқол малъун! Биз Роббимизнинг амрини жону дилдан бажарамиз! – деди, шайтоннинг орқасидан тош отиб ҳайдади.

Шайтон Исмоил алайҳиссаломни ҳам ишонтиролмагач, энди Иброҳим алайҳиссаломга қайтди:

– Эй чол, ўғлингни қаёққа олиб кетяпсан? Шайтон сени тушингда ишонтирди. У тушлар шайтонийдир, – деди.

Иброҳим алайҳиссалом:

– Сен шайтонсан! Ҳозироқ кўзимдан даф бўл! – деди.

Қўлларига етти дона тош олиб, алоҳида-алоҳида уч ерда шайтонга қарши отдилар.

Шу билан ҳажда шайтонга тош отиш то қиёматга қадар давом этадиган бўлди. Бу ҳол уларнинг таваккул ва таслимиятларининг нишо-



наси бўлиб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматига намуна бўлди.

Иброҳималайҳиссалом Исмоилалайҳиссалом билан Минодан Арофатга кетаётганларида самодаги фаришталар ғоят ҳаяжонландилар. Ҳайрат ичида бир-бирларига: “Субҳаналлоҳ! Бир пайғамбар бир пайғамбарни қурбонлик қилгани олиб кетяпти!” дедилар.

Иброҳим алайҳиссалом ўғли Ҳазрати Исмоилга бу ишнинг ҳақиқатини англатдилар:

– Эй ўғлим, тушимда сени қурбон қилишга буюрилдим.

Исмоил алайҳиссалом:

– Отажоним, буни сизга Аллоҳ амр этдими?
– деб сўради.

Иброҳим алайҳиссалом: “Ҳа!”, – деди.

Исмоил алайҳиссалом:

– Ундай бўлса, отажон, сиз Аллоҳнинг буйруғини адо қилинг! Иншааллоҳ мени сабр қилувчилардан эканлигимни кўрасиз! – деди ва жонини фидо қилмоққа ҳозир эканини билдирди. У вақтда Исмоил алайҳиссалом етти ёки ўн уч ёшларда эдилар.

Ривоятга кўра, Жаброил алайҳиссаломнинг ҳаяжонланган, етишмоққа қийналган уч нуқтадан



бири Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исмоилни қурбонлик қилиш учун бўғзига пичоқ тортган вақти эди. У лаҳзада Жаброил алайҳиссалом пичоқнинг кесиш хусусиятини йўқ қилиб қўйди. Аллоҳга таслимиятлари натижасида Илоҳий бир лутф билан жаннатдан бир қўчқор чиқарилди. У қўчқорни Исмоил алайҳиссалом ўрнига қурбон қилдилар.

Қурбонлик қилишдан мақсад ушбу ҳодисаларни эслаб, ундаги илоҳий ҳикматлардан озуқа олишдир. Аллоҳга таслимият ва тақво билан куллик қилинмоғи хусусида кўнгилларнинг огоҳ бўлмоғидир. Зеро, Ҳақ таоло шундай марҳамат қилади:

“Қурбонликларнинг) на этлари, на қонлари Аллоҳга етиб боради. Аллоҳга етиб борадигани фақат тақвойингиздир...” (“Ҳажж”, 37)

Ҳажда қурбонликдан сўнгра соч олдирмоқнинг яна бир ҳикмати бордир. Исломдан аввал бирон одам кулини озод қилса, унинг сочини устара билан олдираар эди. Бу куллигини билдирувчи бир ишора эди. Ҳажда соч олдириш ҳам ҳожилар Аллоҳ таолонинг доимий бандаси, кули эканлигини қабул қилиб тан олмоқлигидир. Яъни соч олдириш, шу маънодаки, ўзимизни



Аллоҳга атаб унга таслим бўлган қул тимсоли моҳиятида бир боғлиқлик ифодасидир.

МИНО ВА ШАЙТОНГА ТОШ ОТИШ

Мино – Иброҳим ва Исмоил алайҳиссаломларнинг шайтонга тош отиб, музаффар бўлган жойлари. Бу макон қулнинг ҳар қандай ҳолда Роббисига таваккул ва таслимият туйғулари ичида бўлиши кераклигини талқин қилган муборак маскандир.

Шайтонга тош отиш эса аввало ичдаги шайтонни тошбўрон қилиш билан бошланади. Юқорида зикр қилинганидек, шайтон Иброҳим ва Исмоил алайҳиссаломлар ҳамда Ҳожар онамизга васваса қилиб, орқаларидан югурган эди.

Ҳажнинг вожиб рукни бўлган шайтонга тош отиш – уларнинг шайтонни қувиб тош отганликларининг хотираси.

Тош отишда яна лаънатлаш маъноси ҳам келади. Зеро, ўша пайтларда лаънатлаш тош отиш кўринишида бўлар эди. Масалан, шайтонни рожим, яъни тошбўрон қилинган дейилиши, уни лаънатланганини ифода қилиш учундир.

Таъкидлаш керакки, бу ерда шакл эътибори билан ердан олиниб отилган тош, аслида гуноҳга



отилган тошдир. Ният эса Аллоҳ таолонинг ризосига етишмоқ, яъни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам шундай дедилар: **“Шайтонга тош отиш ва Сафо билан Марва орасида сайъ қилмоқ, фақат Аллоҳнинг зикрини қоим қилмоқ учун амр қилингандир”** (Термизий, Ҳажж 64/902)

Қолаверса, майда тошларни отишдан мақсад шайтонни ёмон кўрмоқдир. Чунки у Одам алайҳиссаломни тупроқдан яратилганлиги учун менсимай, ўзини оловдан яратилганини устун кўриб, ғурурга мубтало бўлди. Аллоҳ таоло таоло ҳам уни назарга илмаган бу тупроқ жинсидан бўлган майда тош билан тошбўрон қилдирмоқдадир.

Шу жойда шайтонга тош отилар экан, энг асосий нуқта шуур ва ҳиссиётларимиз, ҳаётимизнинг ҳаммасини ўз ичига олмоғи лозимки, шайтон қалбга васваса солганида, “Аъзубиллаҳи минашшайтонир рожийм” – “Тошбўрон қилинган (қувилган) шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳга сиғинаман” ифодаси билан бартараф этмоқ мақбул.

Демак, сўнгги нафасга қадар ҳар фурсатда шайтонни тошбўрон қилмоқлик тақозо этилади.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **“Агар шайтондан келган ёмон ҳаёл сени**



ҳаракатлантирса, дарҳол Аллоҳга сиғин...”

(“Фуссилат”, 36)

Хуллас, шайтонга тош отиш иблисни лаънатлаш ва кўнгилни ҳар турли васвасадан озод қилиб, Аллоҳга юзланмоқдир.

Ҳаж ва Умра ибодати асносида шу тушунчани ҳам эсдан чиқармаслик керакки, ўғрилар заргарлик дўкони бўлган жойда эскифурушни дўконига киришга уринмайди. Чунки бойлик қимматбаҳо тиллаю гавҳар, заргар дўконидан топилади. Ибодат аҳли бўлган бир мўмин билан ибодатдан узок ғофил бир одам ҳам шунга ўхшайди. Инсонларни фасодга бошлаш учун Ҳақдан изн олган шайтон ибодатли кишининг ортига тушади. Шунинг учун ҳаж ва умрага ният қилган кишини яна-да буюк ҳирс билан адаштиришга тиришади. Шунинг учун ҳажга кетаётганларнинг муҳофизи, яъни қуроли сабр бўлмоғи лозим. Зеро, ҳаж бошқа ибодатлардан фарқли бир ибодатдир. Шаклан осондек кўринади, аммо қийин ибодатлардан биридир. Шунинг учун, ният қилаётганда: “Аллоҳим! Уни менга осонлаштир...” дейилади.

Ҳаж ва умрада: “Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка лаа шарийка лака лаббайк. Инналҳамда ваннеъмата лака вал мулк лаа шарийка лак” деб Ҳаққа илтижо қилган кўнгиллар, бу талбиялар билан Робнинг чақириғини “Лаббай!” деб



кабул қиладилар. Унинг мулкида Ундан бошқа илоҳ бўлмаганлигига иқрорлик келтиргандан сўнг мўминлар нафс, шайтон ва ҳавойи нафснинг орзуларига юрмасликка сўз берганликларини англамоқлари лозим.

Шу жиҳатдан, мўминнинг зиммасига тушгани шайтоннинг ҳар турли фасодларига қарши уйғоқ бўлишга ҳаракат қилишдир. Яна бу машаққатли сафар асносида бошга келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларга енгилмаслик, сабр қилиш ва бундай ҳолатларни имтиҳон василаси эканини ҳис этиб, ҳаж ва умра ибодатининг руҳониятига путур етказмаслик керак.

САФО, МАРВА ТЕПАЛИКЛАРИ ВА САЙЪ

Сафо ва Марва – Замзам суви топилган тепаликлардир. Бу тепаликлар ўртасида ташналикдан қийналган Исмоил алайҳиссаломнинг онаси Ҳожар онамиз ҳаяжон ичра сув топиш мақсадида машаққат билан бориб-келаверган. Бу икки муборак тепалик Ҳожар онамиз сув истаб зир югурганларига гувоҳ бўлган. Шунинг учун Сафо ва Марва орасидаги бориб-келиш кишининг Аллоҳ таолога чексиз-адоқсиз хушуъ, ожизлик ва чорасизлик эътирофи ичида илтижо қилиш ҳикматини намоён қилади. Шунинг учун, ҳаж ибодатининг



асослари орасида сайъ деган номи билан илова қилингандир.

Аллоҳ таоло бу икки тепаликнинг аҳамиятини шундай марҳамат қилади: **“Шубҳасиз, Сафо билан Марва Аллоҳнинг нишонларидандир...”** (“Бақара”, 158)

Мўминлар Аллоҳнинг нишонлари қаршисида ўзларини қандай тутишлари хусусида Роббимиз шундай марҳамат қилади:

“Қимки, Аллоҳнинг нишонларига эҳтиром кўрсатса, шубҳасиз, бу қалбларнинг тақвосидандир” (“Ҳаж”, 32).

КАЪБАИ МУАЗЗАМА

Мўминлар қибласи Каъбаи Муаззама Аллоҳ таолонинг Қуръони Каримда **“Сажда қил ва яқинлаш!”** (“Алақ”, 19) деган сўзи билан қоим қилиниши буюрилган намоз ибодатини адо қилиш масканидир. Шу билан бирга, бутун мусулмонларнинг жамланиши таважжуҳ қилинган нукта, ислом дунёсининг уриб турган шоҳ томиридир. Илоҳий назарнинг инсондаги тажаллигоҳи қалб бўлганидек, коинотдаги тажаллигоҳ Каъбадир. Яъни коинот ичида Каъба, қайсидир маънода инсон вужудидаги қалб кабидир. Шунинг учун ҳаж



Каъбанинг ҳайбатини идрок қилиб, қалб нозиклиги билан адо этиладиган ибодатдир.

Аллоҳнинг уйи деб сифатланадиган Байтуллоҳ Одам алайҳиссаломдан бери муқаддас бир ибодатгоҳ бўлганлиги ва кучи етганлар учун уни ҳаж қилмоқнинг фарз ҳукмида эканлиги ояти каримада шундай билдирилади:

“Шубҳасиз, оламларга барокат ва ҳидоят нури ўлароқ инсонлар учун қурилган аввалги уй (ибодатхона) Маккадаги (Каъба)дир. У ерда ибрат олинадиган аломатлар бордир: (айни замонда ҳазрати) Иброҳимнинг мақоми (у ердадир). Ким у ерга кирса, Ҳақнинг соясида амин бир киши бўлур. У ернинг йўлига кучи етганларга, (Аллоҳ ризоси учун) Байтуллоҳни ҳаж қилмоғи, Аллоҳнинг инсонлар устидаги бир ҳаққидир (фарздир). Инкор қилувчилар билсинларки, Аллоҳ бутун оламлардан (беҳожат) мустағнидир” (*“Оли Имрон”, 96, 97*).

Каъбаи Муаззамада “Мақоми Иброҳим”, яъни Халилуллоҳ мартабасидаги Иброҳим алайҳиссаломнинг мақоми бор. Аллоҳ таоло томонидан ўзларига ҳаж ва умра насиб бўлган мўминлар у кишининг оёқ излари бўлган муборак маконда юриш ва унинг мақоми ортида тавоф намозини ўқишга буюрилган.



Каъбада салом бериб, ҳурмат билан ўпиладиган Ҳажарул асвад ҳам Аллоҳга байъат қилиб, унга қуллик ва итоат борасида ваъда бермоқ мақоми бўлган муборак тошдир. “Аллоҳу акбар” деб унга қўл кўтармоқ, ўпмоқ, айна замонда бутун нафсоний тамойиллардан шайтоний йўналишлардан қўл узмоққа сўз бермоқликдир.

Ҳажарул асвад тавофнинг аввали ва охирида тайин қилинган восита саналади. Каъбанинг бугунга қадар ҳар бир тоши ўзгартирилди. Фақат Ҳажарул асвад бугунгача ҳеч қачон ўзгартирилмади. Пайғамбарлар султони бўлган Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламдан бошлаб, қанчадан-қанча муборак лаблар унга теккан, неча муборак қўллар уни сийпалаган. Аслида оддий тош бўлса-да, муқаддас ва буюк ҳолатлар сабабли кўнгиллардан буткул севги ва муҳаббат билан жой олган. Унга қалбларда интиқлик ва интизорлик, муштоқлик ва зорлик бор.

Бир сўз билан айтганда Каъба бутун хусусиятлари билан Арши Илоҳийнинг ер юзидаги сояси, раҳмат ва барокат маконидир. Бошқача айтганда, Аллоҳ таолонинг раҳмат ва мағфират сифатлари жилоланган ойнадир. Кўнгилларни ойдинлатган қуёш, яъни нур манбаидир.

Каъбанинг қурилиши ҳақидаги ривоятларга кўра, Ҳазрати Одам билан Ҳавво волидамиз, жан-



натдан чиқарилган вақт Арафотда учрашадилар. Баробар юриб Каъбанинг ўрнига келадилар, бу аснода Одам алайҳиссалом учрашганлари шукронасига Роббига ибодат қилмоқни хоҳлайдилар. Жаннатда бўлган чоғларида нурдан бўлган устун атрофида тавоф қилиб ибодат қилар эдилар, ўша устунни Аллоҳдан тилайдилар.

Аллоҳ нурдан устунни улар учун у ерда тажалли қилдирди. Одам алайҳиссалом ўша устун атрофида тавоф этиб Аллоҳга ибодатда бўлдилар.

Бу нузли устун Шис алайҳиссалом замонида ғойиб бўлиб, ўрнида қора бир тош қолди. Бунинг устига Шис алайҳиссалом унинг ўрнига тошдан, унинг каби тўрт бурчак бўлган бир бино курди ва у қора тошни уйни бир бурчагига жойлаштирди. У ҳозирги кунда “Ҳажарул асвад” деб атаётган тошдир. Сўнгра Нух тўфонида бу бино узоқ бир муддат қумлар остида қолди. Иброҳим алайҳиссалом, Аллоҳнинг амри билан Каъбанинг ўрнига келиб, ўғли Исмоил алайҳиссалом ва Ҳожар онамиз билан у ерни маскан тутадилар. Сўнг Исмоил алайҳиссалом билан Аллоҳнинг амри ила Каъбанинг ўрнини топадилар. У ерни қазиб, Шис алайҳиссалом қурган бино пойдеворларини топадилар. Ўша бино ўрнига Каъбатуллоҳни қурадилар.



Иброҳим алайҳиссалом Каъбани қуриб бит-казгач Аллоҳга шундай дуо қиладилар:

“Эй Роббим! Бу шаҳарни тинч шаҳар қилгин, халқини Аллоҳга ва охират қунига ишонувчиларини турли мевалар билан ризқлантир...” (*“Бақара”, 126*)

Иброҳим алайҳиссаломнинг бу дуоси баракоти билан Маккада иймон ҳаловатию лаззатлар ёнма-ёндир.

Каъба ўн бир мартаба қайта қурилган.

Биринчиси малаклар тарафидан, иккинчиси Одам алайҳиссалом, учинчиси Шис алайҳиссалом, тўртинчиси Иброҳим алайҳиссалом, бешинчиси Амолика қабиласи, олтинчиси Журҳумилар, еттинчиси Қусай, саккизинчиси Қурайш, тўққизинчиси тобеъиндан Абдуллоҳ ибн Зубайр, ўнинчиси Ҳажжожи Золим ва ўн биринчиси эса Усманийлар Султони Муродхон тўртинчи тарафидан қурилди.

Усманийларнинг Каъбаи Муаззамага ҳаддан зиёда эҳтиром кўрсатгани бу таъмир асносида яққол кўзга ташланади.

Яъни Султон Мурод даврида сел тошқини юз бериб, Каъбанинг икки томони чўқади.

Каъбани таъмирлаш учун меъморбоши Ризвон оғани дарҳол Каъбага жўнатдилар. За-



рур текшириш ишларини кўриб чикқан меъмор, чўккан жойларни таърифлар экан, Каъбаи Муаззама ҳақида “йиқилди”, “чўкди” деб таъбирлаш одобсизлик деб шундай ифода қўллади: “Каъбатуллоҳнинг фалон фалон қисмлари саждага борибди”.

Айниқса таъмир асносида иншоот учун керакли нарсаларни ташиган ҳайвонларни ҳам муборак ерни кир қилмаслиги учун турли тадбирлар кўрилган. Бу ҳам юксак ҳурмат ва одобни намоён қилади.

АЖАЛ КЕЛМАЙ ТУРИБ...

Унутмаслик керакки, ҳаёт неъматини инсонга бир бора берилади. Ўлим ҳам Аллоҳнинг бутун фонийлар учун зарур қилиб қўйган қонунидир. Вақти, дақиқаси ҳар нафас ҳисобигача тайин қилиниб, ҳукмга боғлангандир. Ажалнинг олдинга ёки орқага бир дақиқа ҳам жилмаслиги равшан ҳақиқатдир. Ажалдан қочиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳажга имкони борлар асло бепарво бўлмаслиги, сустлик қилмасликлари зарур. Бу буюк ибодатга лоқайд бўлиб, умр тугаб қолса, минг пушаймонликни асло фойдаси йўқдир. Демак, илк фурсат етиши билан Роббимизнинг бизга буюк ҳаққи бўлган ҳаж ибодати хусусида



ғафлатда қолмай бурчимизни адо қилмоғимиз лозим.

Акс ҳолда, Пайғамбар алайҳиссаломнинг мукулмонларни огоҳлантириб марҳамат қилган бу ҳадиси шарифлари кўрқинчлидир:

“Бир одам йўл ҳаражатларига эга бўлса-ю, Байтуллоҳга бориши мумкин бўла туриб, ҳаж қилмаса, унинг яхудий ёки насроний бўлиб вафот этишига ҳеч бир монё йўқдир” (Термизий, *Ҳаж*, 3).

Бу танбеҳи билан Пайғамбар алайҳиссалом, имкони бўла туриб ибодатга бепарво бўлганларни даҳшатли маҳрумиятга мубтало эканлигини баён қилмоқда.

Демак, имкони бўлган мўминлар ҳаж ибодатига лоқайд бўлиши, буюк хато ва аянчли ғафлатдир.

Имкони бор мўмин умрида бир марта ҳаж қилмоғи фарздир. Қайта-қайта ҳаж қилмоқ эса мустаҳабдир ва савоби улуғдир. Зеро Пайғамбар алайҳиссалом:

“Ҳаж ва Умрани орқама-орқа қилмоқ, умрни ва ризқни орттиради, фақирликни ва гуноҳни, темирчи темирни зангини кеткизгандек, кеткизади”, – деганлар.



Яна бир ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“Мен бир қулимга соғлик-омонлик эҳсон қилиб ризқини мўл-кўл берганим ҳолда, у ҳар тўрт йилда бир менга келмаса (яъни ҳаж ва умра қилмаса) у кимса ҳақиқатдан маҳрумдир” (*Ҳайсамий, III, 206*).

Намоз ва рўзаниниг нафллари бўлганидек ҳажнинг ҳам нафллари бор дейилиши, нафл ҳаж ҳақидаги жоҳилона танқидлар, Аллоҳ сақласин куфрга яқин сўзлардир.

Булар жаҳолатдагиларнинг ёзганлари бўлиб, иймон ва ибодатнинг ҳақиқий лаззатидан бебаҳра, қора ифодалардир.

Нафл ибодатлар, асри саодатдан бери буюк бир иймон ишқи билан адо этилмоқда. Зеро, Имоми Аъзам ҳазратларининг 55 марта ҳаж қилганлари бунга ёрқин далилдир. Имом Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ сон-саноксиз талабаси ва бир қанча машғулияти бўлишига қарамай, вақтининг тахминан учдан бирини ҳаж сафарига сарфладилар.

Ўша пайтлардаги шароитга кўра туяда Бағдоддан Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварани зиёрат қилиш ниҳоятда машаққатли бир сафар эканлигини тасаввур қилишимиз керак. Зеро, Ҳақ дўстлари, бошқа ерлардан топа ол-



майдиган маънавий истифодани Ҳарамайннинг файзли иқлимидан топган ва файзланган. Бунинг учун ҳар фурсатда ҳажга кетмоқни ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни зиёрат қилмоқни, кучли иймон ҳаяжони билан адо қилган. Нафл ибодатлар бандага Аллоҳга яқинлик имконини беради. Руҳий оламни теранлаштиради. Аллоҳ таоло мўмин бандани кўрар кўзи, эшитар қулоғи бўлади. Яъни уларнинг кўришлари эшитишлари, тушунишлари ва ифодалари айни илоҳий нур жараёни ҳолига айланади.

ТАВАККУЛ ВА ТАСЛИМИЯТ

Ҳаж моҳияти инсонни маънавий очилишга йўналтиради. Зеро, Байтуллоҳ Иброҳим алайҳиссалом ва ул зотнинг аҳли оилаларининг таваккул ва таслимиятини эслатувчи макондир. Таваккул, таслимият ва ҳаж калималари Иброҳим алайҳиссалом ва Исмоил алайҳиссаломни эслатади кишига. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, рукн моҳияти билан ҳаж уларнинг ихлоси барокати билан қиёматга қадар давом этадиган амали солиҳдир.

Таваккул, луғатда “суянмоқ, ишонмоқ, вакил тутмоқ ва вакилга ишонмоқ” маъноларида келди.



Тасаввуфда эса кўнгли Аллоҳ билан тўлган одамнинг ёлғиз Унга ишонмоғи ва Унга сиғинмоғидир. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга кўлидаги асога ишора қилиб: “Кўлингдагини ерга ташла!” деб амр қилди. Чунки асо унинг Роббисига таваккулига соя солаётган эди.

Ояти каримада: **“Иймон келтирганлар фақат Аллоҳга таваккул қилсинлар!”** (“Иброҳим”, 11, “Тавба”, 51)

“Шоядки, мўминлар бўлсангиз, фақатгина Аллоҳга таваккул қилинг!” (“Моида”, 23)

“Ким Аллоҳга таваккул қилса, Аллоҳ унга етар!” (Талақ, 3) – деб марҳамат қилади.

Ҳадиси шарифда ҳам:

“Агар сиз муносиб тарзда таваккул қила олсангиз, тонгда қоринлари оч (ҳолда чиқиб) окшомда тўқ (ҳолда қайтган) қушларнинг ризқлангани каби ризқланарсиз!” (Термизий, Зухд, 33) деб буюриляпти.

Таваккул тадбир ва ташаббусларни бир чеккага ташлаш эмас, билъақс уларни ўрнига келтириб бўлиб сўнгра Аллоҳга сиғинмоқдир.

“...Ҳар қандай бир иш хусусида уларга маслаҳат солинг! Энди (маслаҳат қилгач, бирон ишни) қасд қилсангиз, Аллоҳга суянинг – таваккул қилинг!...” (“Оли Имрон”, 159).



Мўминларнинг ҳар икки жаҳонда ёрдамчиси Аллоҳдир. Ким Аллоҳга таваккул қилса, Аллоҳ унга кифоя қилади. Хоҳ ёлғиз, хоҳ ижтимоий ҳолатда бўлсин, ҳақиқий хузур ва саодат, ягона Ўзига қайтмоқликда, Ўзидан ёрдамистамоқликда, Ўзигагина таваккул қилмоқдадир.

Таслимият “салима” феълидан олинган бўлиб, бўйсунуш, бошга келган ҳодисаларни эътирозсиз қабул қилиш ва саломатликка чиқиш маъноларини англатади. Дарҳақиқат, Иброҳим алайҳиссаломнинг қалбида Аллоҳдан бошқа ҳеч нарсага ўрин йўқ эди. Шунинг учун Аллоҳ таоло Ўзига Ҳалил, яъни дўст этди.

Малоикалар: “Я Роббий! Иброҳим ғаний, фарзанди ва моли бор! Қандай қилиб Сенга Халил бўла олади?” дедилар.

Аллоҳ таоло уч ўринда унинг эътирозсиз таслимиятини малоикаларга кўрсатди. Бу имтиҳонлар ва натижалар киёматга қадар умматга мисолдир.

Иброҳим алайҳиссалом, оташга отиладиган вақтда малоикалар ёрдамига келган эдилар. Фақат Иброҳим алайҳиссалом: “Сизга эҳтиёжим йўқ... Оловга ёнмоқ кучини ким берди? Аллоҳ қандок ҳам гўзал вакилдир!” деб Роббига сиғинди. Ул зотнинг бу таслимиятини мукофоти ўлароқ Аллоҳ



Таоло оташга: “Эй олов! Иброҳимга салқин ва омонлик бўл!” деб амр этди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг моли ҳам Жаброил алайҳиссаломнинг Аллоҳ таолони уч марта зикр қилиши билан назарида аҳамиятсиз ҳолга келди. Унга: “Ол, буларни олиб кел” дедилар. Қолаверса, Иброҳим алайҳиссалом фарзанди Исмоил алайҳиссаломни қурбон қилиш билан имтиҳон қилиндилар.

Аллоҳнинг амрига кўрсатган таслимияти билан бу имтиҳонни ёруғ юз билан ўтказдилар. Дарҳақиқат чин қуллик – таслимиятдир. Чунки Аллоҳ жалла жалалуху, бандасининг Ўзидан бошқасига ром бўлишини хоҳламайди. Таслимият – муҳаббатга асосланган итоатдир. Бу итоат ва таслимият барокати билан Иброҳим алайҳиссаломга жони, моли ва авлоди улуғ Роббининг йўлида, ҳеч бир тўсиқ бўла олмади. Ҳаж ибодати ҳам, Унинг Роббига таваккул ва таслимиятининг қиёматга қадар давом этадиган энг гўзал тимсолидир. Чунки Иброҳим алайҳиссаломнинг тили қалбига таржимонлик қилиб доимо: “...Мен оламларнинг Роббига таслимман!” демоқда эди. Ҳаж ибодати Ҳазрати Иброҳим ва Ҳазрати Исмоил алайҳимуссалом таваккул ва таслимиятларининг тимсолидир. Улар инсоний сифатларни тарқ этиб, мағфират иқлимига таслимият ва таваккулга киришдилар.



Ҳаж, муҳаббат тўла бир кулликнинг ифода-сидир. Яна ҳаж ибодати бизга шуни кўрсатадики, гуноҳларнинг тўкилиши, фақат тавба, ёлвориш билан бўлади. Таваккул ва таслимият тўлган қалбларда ибодатлар барокати ҳам тўкис бўлади.

Қолаверса, ҳаж ва умра мақсади билан йўлга чиққанлар, таваккул ва таслимият масалаларини тўғри тушуниб, моддий ва маънавий йўл ҳозирликларини пухта тайёрламоқлари лозим. Зеро, Яман халқидан баъзи одамлар: “Биз Аллоҳга таваккул қиламиз!” дейишиб, ҳеч қандай ҳозирликсиз йўлга чиқдилар. Ва Маккага борганларидан сўнгра очликдан тилана бошлагач шу ояти карима нозил бўлди: “... Ўзингизга озуқа олинг! Шубҳасиз, озуқани энг яхшиси тақводир...” (Бақара, 197)

Ояти каримадан кўринадики, ул муборак тупроқларга ҳам моддий озуқа ҳамда ундан ҳам муҳимроқ, руҳий-маънавий озуқа олмоқ керакдир. Бу албатта тақвога эришиш ва қалби салимлик билан амалга ошади.

МАҚБУЛ ВА МАБРУР ҲАЖ ҲАМДА УМРА УЧУН МАЪНАВИЙ ЎЛЧОВЛАР

Аллоҳ ҳузурида мақбулу мабрур бўлган ҳаж ва умра учун рия қилиниши зарур бўлган ўлчовлар қуйидагилар:



1. Ҳаж ва умрага ихлос билан ният қилиб, бунга зид ният ва муомалалардан воз кечмоқ.

Аллоҳ таолонинг ризосига ноил бўлиб илоҳий лутфлардан фойда олиш учун ҳаж ва умра ибодатига ҳолисона ният қилмоқ лозим. Бу борада Аллоҳ таолога ваъда бераётиб қалбидаги оддий нафсоний келишув ва башарий заифликларга сўнгги нуқтани қўймоқни тақозо қилади. У муборак маконларда хусусан борлиқ китобини ёпиб, “мен”лик ҳолатидан ажралиб олмоқ лозим.

Ҳаж ва Умрага шундай ҳолати руҳият билан йўналганлар илоҳий сир ва ҳикматлар саройига меҳмон бўла оладилар.

2. Эҳром учун ҳозирланаётганда беҳуда нарсалардан ҳам кечмоғи лозимдир.

Аллоҳ ризолиги истикоматида ҳаж ва умра учун қилинган кўнгилик аҳдини бир кўриниши, ихлос ва самимиятнинг бир тажаллиси ўлароқ эҳром учун фақат зоҳирий либосларнигина эмас, ички оламимиздаги бойлик, шуҳрат, мартаба, ушбу каби эҳтирослардан ҳам қутулиб тақво либосига бурканмоқ лозим. Зеро, Аллоҳ таоло: **“Ички оламини поклаган нажотга эришди”** (*“Шамс”, 9*), — деб марҳамат қилади.



У муқаддас маконларда қалбни Аллоҳга боғлаб, дунёвий ишлар билан машғул бўлишдан, заруратсиз бозору дўконларни айланишдан сақланиш даркор. Чунки бундай ишларга боғланганида кўнгилларда ғафлат зоҳир бўлиб, у муборак шаҳарларнинг маънавий иқлимидан фойдаланиш қийинлашади.

Чунки ҳаждан сўнгра Маккада қолиш ҳақида савол берган саҳобийларга жавобан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар:

“Макка қоладиган ер эмасдир. Ташқаридан келган кимсаларнинг, ҳаж ибодатларини қилганларидан сўнгра Маккада қоладиган муддат уч кундир” (*Аҳмад*, 339).

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳаж ва умра ибодатларини адо қилиб бўлиши билан кетмоқларини тавсия қилдиларки, токи эҳтиром ҳислари задаланиб, лоқайдлик пайдо бўлмаслиги учун.

Ҳаж ва умрада Роббига юзланмоқ шундай: **“...Унинг қулларига шоҳ томиридан ҳам яқин”** (*“Қоф”*, 16) эканлигини идрок қилинади. Яна **“... Аллоҳ киши ила қалби орасига кирар...”** (*“Анфол”*, 24)

Ояти кариманинг маъноси бўйича, ҳеч бир нарса Ундан яширин қололмаслигини ҳис қилмоқ лозим. Яъни дунёвий турфа савдолардан ажра-



либ, қалбнинг Ҳақ билан бўлмоқлигига эътибор қаратиш лозим. Чунки ҳаж ва умранинг асли шудир!

3. *Моддий ва маънавий покланмоқ.*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж ва умра орасида қилинган солиҳ амаллар воситаси ила ҳосил бўлган натижани ифода қилиб, бу муборак ибодатлардаги мақсадни шундай баён қиладилар:

“Ҳаж ва умра орасини бирлаштиринг. Зеро, булар гуноҳни, гўё темирчи темирдаги зангни кетказгани каби, поклайди (*Ибн Можа, 10*)

Ҳадис шарифда баён қилинган умра амали буюк савоб ҳосил қилувчи ибодатдир. Йилда бир марта бўладиган ҳаж ибодати муайян кунларда адо қилиниб, умра эса ҳар қандай вақтда хоҳлаганча қилиниши мумкин бўлган ибодатдир. Умра фазилатига кўра кичик ҳаж деб аталади, бу ибодат фазилатини ҳам чуқур идрок этмоқ лозим.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам умра учун изн сўраган Ҳазрати Умарга: **“Биродарим, бизни ҳам дуо қилинг, бизларни унутманг!”** деб марҳамат қилдилар (*Термизий*).



Ҳазрати Умар розияллоху анху бу илтифотли талаб қаршисидаги ҳолини:

“Менга дунёни берсалар, Расули соллаллоху алайҳи ва салламнинг бу сўзларидан суюнганчалик севинмасдим” деб баён қиладилар (*Абу Довуд*).

Булардан тушуниладики, умра ибодатидаги дуолар мақбулроқ экан. Демак, файзли бир умра ибодатида қилинган самимий илтижоларнинг буюк ажрга эканлиги зоҳир бўлади.

Ҳаждан сўнгра, хусусан, Рамазони Шарифда қилинган умралар маънавий жиҳатидан жуда қийматлидир. Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи вассалам ҳадис шарифларида Рамазон ойида қилинган умрани Ўзлари билан қилинган ҳаж сингари деб баён этдилар. (*Бухорий*)

Ҳаж ва умра ибодати улкан ажрга эга бўлиш ҳамда маънавий покланиш демақдир. Албатта, ҳаж йўлидагилар диққат ва риоя қиладиган айрим хусуслар ҳам борки, бунга эътибор бермоқ лозим.

- 4. Ҳаром ва шубҳаларни тарк қилиб, Ҳарами шарифга одоб билан кирмоқлик ва диний аломатларни ҳурмат қилмоқ лозим.**



Аввало, бутун ибодат ва хайрлар, ҳалол йўл билан топилган маблағ билан амалга оширилиши керак. Зеро, бу ибодатларнинг файзи ҳалоллик билан мукаммал бўлади.

Ҳалол йўл билан топилган маблағ ҳисобига қилинган ҳаж ва умранинг аҳамиятини шу ҳадиси шарифда яхшироқ англаймиз:

“Ким бу Байтни, ҳаром даромаддан келган пул билан зиёрат қилса Аллоҳга итоатдан чиққан бўлади. Шундай бир инсон ҳажга ният қилиб, эҳромга кириб уловига миниб ҳаракатланганидан сўнгра: “Лаббайкаллоҳумма лаббайк” деса, осмондан бир нидо қилувчи шундай дер:

“Сенга лаббайка ҳам йўқ, саъдайка ҳам йўқ! Чунки топганинг ҳаром, озуғинг ҳаром, уловинг ҳаромдир. Ҳеч қандай савоб олмасдан гуноҳкор ҳолда қайт! Сенга нохуш нарса билан учрашинг сабабли ғамгинлик бордир!”

Агар ҳалол йўл билан топилган пуллар билан ҳаж сафарига чиқса, узангига оёғини қўйиб уловини ҳаракатлантириб: “Лаббайкаллоҳумма лаббайк” деса, осмондан бир нидо қилувчи шундай дейди:

“Лаббайк ва саъдик! Сенга ижобат этдим. Чунки сенинг уловинг ҳалол, либосинг ҳалол, озуқанг ҳалолдир. Кел, буюк савоблар қўлга киритиб ва ҳеч гуноҳ қилмагандек пок бўлиб қайт!



Сени мамнун шодлантирадиган нарса билан учрашишинг сабабидан севин!” (Ҳайсамий)

Ҳадиси шариф бизга шуни уқтирадики, ҳаром пул билан ҳажга бориб “лаббайк” деганларни амали бекор бўлиб, қабул қилинмас экан.

Шунинг учун ҳаждаги биринчи шарт маблағ ҳалолдан топилган бўлиши лозим. Ундан кейин покиза ва чин ихлосли кўнгил... Зеро, тилдан тўкилган “Лаббай, эй Аллоҳим! Амрингга таслимман ва ҳозирман!” деган ифодалар кўнгилни ишқ билан ёқадиган муҳаббатдан ва самимиятдан бўлиши керак. Шундай ҳиссиёт билан кўнгилдан янграган “лаббайк” садолари, бандани Ҳаққа яқинлаштиради. Ҳиссиз, курук, бўш лафзларнинг асло аҳамияти йўқ.

Шунинг учун Пайғамбаримиз набираси бўлган Ҳусайн розияллоҳу анҳу “Лаббайк” деганларида оладиган жавобим “Лаа лаббайк” (яъни сенга лаббайк йўқ) бўлса, деб хавотир ва андишадан сарғайиб сўлар эдилар.

Яна ҳажда ниҳоят даражада эътибор қилинадиган ҳаромлар борки, Ҳақ таоло шундай баён қилади:

“Ҳаж (ойлари) маълум ойлардир. Бас, ким шу ойларда ҳажни фарз қилса, ҳаж давомида (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал, шовқин-сурон қилмайди. Сиз нима ях-



шилиқ қилсангиз, Аллоҳ уни билар. Ва (ҳаж сафарига етадиган миқдорда) озуқа олинг. Ҳақиқатда озуқанинг энг яхшиси тақводир (инсонларга тиланишдан сақланмоқдир). Эй комил ақл соҳиблари, Мендан кўркинг!”
(“Бақара”, 197)

Шаҳвоний орзулар, фисқу фужур, тортишиш, инсонларни ранжитиш каби ҳолатлардан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки одамларни кўплигидан ҳар қадамда бир ҳожини озорлаш таҳликаси доим бордир. Бундан сақланиш учун тавоф асносида одоб ва назокат ила ҳаракат лозим.

Тавофда инсонларга ноқулайлик туғдирмасликка эътибор қилиш керак.

Айниқса Ҳарами Шарифнинг издиҳомларида, меҳмонхона лифтларига чиқиш жойларида, эркак ва аёллар аралаш жойларда ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоқ керак. Савоб ўрнига гуноҳ тўплашдан сақланиш керак. Ҳар ерда тартиб интизомга риоя қилмоқ лозим. У ерларда бир дона кўкатни узмоқлик ҳам мумкин эмаслигини ёддан чиқармаслик шарт. Башарий муомалаларимиз ҳам ибодат ҳисси билан бизни Ҳаққа яқинлаштиради. Кўполлик ўрнига мулойимлик, тундлик ўрнига назокатлилиқ, муҳаббат, назокат, ҳаё, андиша чулғасин бизни. Зеро, ҳар бир яхши амалга қатмақат ажр ёзилганидек, қабоҳатли амалларга ҳам



катма-қат гуноҳ ёзилишини унутмаслик керак. Бу каби назокат, марҳамат, муҳаббат Расулulloҳга хос ҳиссиётлардан саналади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кун Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуга:

“Эй, Умар! Сен куч-қувватли инсонсан, Ҳажари Асвадга етмоқлик учун инсонларни сиқиб заифларга азият берма! Безовта бўлма ва безовта қилма! (яъни ҳеч кимга озор берма). Холи ҳолда бўлсанг, Ҳажарул Асвадни зиёрат қил ўп, акс тақдирда, узоқдан ўпмоқ ишорасини қил, калимайи тавҳид ўқиб, такбир келтириб ўт!” деб буюрдилар (*Ҳайсамий, III. 241. Аҳмад 128*).

Бас, бу ҳолати руҳониятнинг бир кўриниши бўлиши керакки, Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бир кун Каъбаи Муаззамага хитоб қилиб шундай дедилар:

“Сен қандай ҳам буюксан (Эй Каъба!) Сенинг шаънинг улуғдир. Фақат ҳақиқий мўминнинг Аллоҳ ҳузурдаги шарафи сендан ҳам устундир” (*Термизий*).

Шу ҳолда қул ҳаққига риоя қилиб, кўнгил оғритмасликка эришиш лозим, у муборак маконларда зоҳирий ва ботиний одобга мутлақо эътиборли бўлиш талаб қилинади. Зеро, ҳаж ва умранинг асосида, у муборак маконларга хурмат



кўрсатиш ва у ердаги муқаддас ўринларни азиз хотиралари билан файзлантирмақ, кўнгилларга мақбул бўлмоқдир. Ояти каримада:

“Ҳар ким Аллоҳнинг нишонларига (диннинг аломатларига) ҳурмат кўрсатса, шубҳасиз бу, қалбларнинг тақвосидандир”
(“Ҳаж”, 32) дейилади.

Намоз, масжид, Қуръони Карим, азон, Каъбаи Муаззама, Сафо-Марва тепалари каби муқаддас борлиқ ва жойлар Аллоҳнинг бир шиори ўрнидадир. Ҳаж ва умрада буларга ҳурматда камчиликка йўл қўймай, эҳтиром ва икром кўрсатиш керак.

Каъбага тўғри оёқ узатиб ётишдан, маъносиз гаплашишдан, Қуръони Каримга ҳурматсиз муомалада бўлишдан, яъни ҳиссиз ўқиш, ерга қўйишдан сақланмоқлик керак.

Бошқа тарафдан, у муборак шаҳарларда, касалланган, йўлда қолган, имконларини йўқотган, яқинларидан адашиб қолган, яъни қийин ҳолга тушган қардошларимизни ҳолини англаб, дардига дармон бўлишга ҳаракат қилишимиз керак.

Айни пайтда булар мўмин кўнгилда жам бўлиши керак бўлган устун сифатлар бўлган марҳамат, шафқат, меҳрибонлик тақозосидир. Шунингдек, у ер кўнгилларни назаргоҳи, Илоҳий



макон эканлигини тушуниб, имкон етгунча кўнгил олишга ғайрат қилмоғимиз зарур.

Ҳаж ҳақиқатига нозик ҳассосиятли қалблар ета оладики, Мавлоно қуддуса сирруху қуйидаги хикояси билан буни нақадар гўзал ифода қиладилар: “Умматнинг буюкларидан Боязид Бистомий ҳаж ва умра учун Маккага кетаётган эди. Ҳар бир борган шаҳарида у ернинг солиҳ инсонларини суриштирар: “Бу ерда басират соҳиби, қалб кўзи очик ким бор?” деб, учраган кишидан сўрар эдилар. Чунки қаерга борса ҳам, аввало Ҳақ дўстларини истаб топиш зарурлигига ишонар эдилар. Чунки Ҳақ таоло: “... **Шояд билмасангиз, зикр аҳлидан сўрангиз...**” деб марҳамат қилганди. Мусо алайҳиссалом ҳам юксак илм соҳиби Ҳизр зиёратига амр этилган эди.

Боязид қадди нозик, узун бўйли бир пирни учратиб қолдилар, унда авлиёларни руҳонияти бор эди.

Боязид пирнинг рўбарасига ўтирди. Пир унга: “Эй инсон, қаерга кетяпсан? Ғурбат ашёсини (яъни жисмингни) қаерга олиб кетяпсан?” деди.

Боязид: “Ҳажга кетмоқ ниятидаман, икки юз дирҳам пулим бор” деди.

Пир у кишига дедик:



“Эй, инсон! Дунёлигингни бир қисмини Аллоҳ йўлида муҳтожларга, ғарибларга ва бечораларга тарқат! Уларнинг кўнгилларига кир ва дуоларини олқи, руҳингнинг уфқлари очилсин! Ўлмайдиган умрга қовуш! Аввало, кўнглингни ҳаж қилдир! Ундан сўнгра нозик ҳаж сафарида давом эт! Чунки Каъба Аллоҳнинг “Хонаи бирридир” (Яъни кулнинг иймонини камолига етказадиган ва Аллоҳга яқинлаштирадиган раҳмат макони). Зиёрат қилиниши Ислом шартларидан бири ўлароқ фарз бўлган байт. Лекин инсон қалби сирлар хазинаси мисоли.

Каъба Озар ўғли Иброҳимнинг биносидир. Кўнгил эса, “Жалил” ва “Акбар” бўлган Аллоҳнинг назаргоҳидир.

Агар сенда басират бор бўлса, кўнгил Каъбасини тавоф эт! Тош тупроқдан қурилган Каъбанинг асл маъноси кўнгилдир (яъни унинг воситаси билан Роббингга кўнглингни яна ҳам яқин бир ҳолга келмоғидир).

Аллоҳ таоло кўринган, билинган сурат Каъбасини тавоф этмоқни, кирлардан покланмоқни, беғубор, соф кўнгил Каъбасини кўлга киритгин деб сенга фарз қилди.

Шуни яхши билгилки, ҳаж қилишинг мажбурий бўлган амри илоҳийдир. Аммо унутмаки, сен Аллоҳнинг назаргоҳи бўлган бир кўнгилни



ранжитсанг, қалбини синдирсанг, Каъбага яёв борсанг ҳам, қозонган савобинг, кўнгилни синдирганингни оқлаб беролмас!”

Боязид пирнинг бу ҳикматли сўзларини тинглаб, марҳаматнинг сирларидан баҳраманд бўлди. Ҳузур ва чуқур ишқ ичида йўлига равона бўлди”.

Бу ва бунга ўхшаган гўзал мисоллар билан кўнгилларни истиқоматлантирган Ҳазрати Мавлоно, у муборак тупроқларга кетаётганларга шундай дейдилар:

“Ҳаж вақти бўлгач Каъбаи Муаззамани зиёрат ва тавоф мақсади билан кет! Бу мақсад билан борганинга Макканинг ҳақиқатини кўрган бўласан!”

Ҳазрати Мавлоно ҳикояда ҳажни мисол қилиши, бу улуғ маросимнинг ниҳоятда нозик бир ибодатлигини аңлатмоқ учундир. Шунинг учун ҳаж сафарига руҳий ҳозирликлар билан чиқилмоғи керак.

Бу туйғулардан ғофил суратда қилинган ҳаж ва умралар ундан қутилган, умид қилинган натижаларни бермайди. Шу жиҳатдан ҳаж ва умралар чин дилдан адо этилмоғи лозим.

Бу ибодат оппоқ эҳромлар ичра малакларнинг латофатидан улуш олмоқ ғайратидир. Шу-



нинг учун эҳромлик ҳолда ов овланмайди, овчига ов кўрсатилмайди, бир ўсимлик, ҳатто қасд ила бир қил ўрнидан олинмайди. Эҳромга кирганлар, муайян вақтда ҳалолига яқинлаша олмайди.

Демакки, ҳалолига ҳам манъ қилинган бўлса, шубҳали ва ҳаромлардан нақадар узок бўлмоқликни юракдан ҳис қиладилар. У ерда Яратувчининг хурматидан яратилганларга шафқат, марҳамат, назокат билан муомала қилиб кўнгил синдиришдан ниҳоятда ҳушёр бўладилар.

Хоҳ ҳаж бўлсин, ёки умра бўлсин энг муҳими санокли нафас ва қисқа вақтларни аҳамиятли бўлган вазифаларга сарф қила олмоқликдир. Бизга алоқасиз нарсалар билан машғул бўлиб вақт ўтказмоқликдан мутлақо сақланмоғимиз лозим. Зеро, ҳаж ва умрадаги ҳолимиз, қалбимизнинг ҳассосияти ва маънавий туйғуларимиз қанчалар теранлигини ифода қилади.

Мўминларнинг кўнгилларида дин биродарларига қарши адоват бўлмаслиги лозим. Чунки кимнинг ким эканлиги инсоният назарида номаълум бўлса ҳам, Аллоҳга маълумдир.

Холид Бағдодий ҳазратларининг ҳаётларида содир бўлган ҳодиса нақадар пурмаънолигига қаранг:

Холиди Бағдодий ҳазратлари ҳаж учун йўлга чиқиб Мадинаи Мунавварага борганида, у ерда



нур юзли бир одамга рўпара келди. Яманлик бўлган бу Ҳақ дўстининг маънавий жозибасига асир бўлиб, гўё бир илмсиз одам илмли зотдан насихат сўрагани каби ундан ўгит олмоқ истади. У зот шундай деди: “Эй Холид, Маккага борганида Каъбада одобга хилоф бир нарса кўрсанг, қаршингдаги ҳақида дарров ёмон гумонга борма, ўзингча янглиш хулоса қилма! Кўзингни, кўнглингни жосусликдан узоқ тут! Ички дунёнгни гўзаллаштиришга машғул бўл!”

Бир қарашда яширин бир танбеҳ моҳиятидаги бу ифода, ҳақиқатда, Холиди Бағдодий ҳазратлари билан уни асл мартабасига элтувчи бўлган пири комил орасидаги сирли зуҳурга бир ишора эди.

Фақат Холид Бағдодий Ҳазратлари Маккаи Мукаррамага етганида у ердаги маънавий иқлимнинг ҳаяжони ила одатдаги кўнгил сархушлиги ичида у зотнинг насихатини унутган эдилар. Шундай ҳолда эканлар, жума куни жулдур кийимли, ғариб бир дарвешнинг Каъбага орқа ўгириб ўзига қараб тургани диққатини тортди. Ичидан:

“Бу қандай ҳам ғофил бир одамки, одобга хилоф равишда Каъбага орқа ўгириб турибди. Бу муборак мақомнинг улуғлигидан хабари йўқ!” деб ўйлади. Шу аснода қалб сиридан воқиф бўлган у зот, Холиди Бағдодийга:



“Эй, Холид! Билмайсанми, бир мўминга хурмат Каъбага бўлган хурматдан ҳам фазилатлидир. Чунки қалб илоҳий назаргоҳдир. Солим қалб – Байтуллоҳдир. Мадинадаги солиҳ зотнинг насиҳатини ёдингда тут!” – деди.

Бу сўзлардан сесканган Мавлоно Холид ҳазратлари бу одамни оддий инсон эмас, улур бир валий эканлигини англаб дарҳол қўлларига ёпишиб афв тилади:

“Эй, солиҳ киши! Менга ҳиммат қил, мени солиҳликка қабул қил”, – деб ёлворди.

У сирли дарвеш, уфқнинг сирли теранлигига боқаркан:

“Сенинг тарбиянг менга оид эмас! Сен Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридаги Абдуллоҳ Пири Деҳлавий ҳазратларининг тарбиясида камолга етасан! Аллоҳ муваффақ қилсин!...” деди ва у ердан ғойиб бўлди.

Бу ердаги қиссадан ҳиссашуқи, марҳум падари бузрукворим Мусо афанди қуддуса сиррухунинг шу насиҳатларини тилга олмоқчиман: “Кетаётганларга танбеҳим: хушуъни қўлдан бой берманг. Кўнгил дунёингиз билан машғул бўлинг. У ердаги маънавий тажаллилардан фойдда олишга эришинг.



Албатта, ҳажга кетаётган инсоннинг руҳонияти очилади. Улуғ хайр хизматларида бўлганлар, аксарияти маррот ҳаж қилганлардир.

Ҳажнинг маънавий тажаллилари ила сахийлик, марҳамат ва шафқат инкишоф этилади (яъни шу хислатлар юзага келади). Бундай одамларнинг кўнгли ва қўли очилади, иймон ва лаззат ҳаяжони ичида Аллоҳ учун осонлик билан севиб-суйиб, уларга нафақа қиладилар”.

Ояти каримада:

“Севган нарсаларингиздан инфоқ қилмагунча асло биррга (яъни яхшиликнинг камолига) эриша олмайсиз! Нимани инфоқ қилсангиз, Аллоҳ уни ҳаққила билур” (*“Оли Имрон”, 9*).

5. Иродани Ҳақнинг ризосига қурбон қилмоқ.

Ҳаж ибодатида қурбонлик қилмоқликдан асл мақсад Иброҳим ва Исмоил алайҳиссаломларнинг таслимиятларини эсламоқдир. Улардаги илоҳий ҳикматдан насиба олинмоғи, Аллоҳга ихлос ва тақво билан бандалик қилинмоғи борасида кўнгилларнинг огоҳ бўлмоғидир. Яъни у ерда моддий борлиғидан халос қилинган, ўзида бир борлиқ хаёл қилмаган, иродасини Ҳаққа таслим



қилган ва илоҳий ишқ оташи ила ёнмоққа мойил дарвеш ҳолида бўлмоқлик керакдир.

Аллоҳ таоло: **“(Қурбонликларнинг) на эвлари, на-да қонлари Аллоҳга етмайди. Аллоҳга етадигани фақат сизнинг тақвоингиздир”** (“Ҳаж”, 37).

Иброҳим алайҳиссалом ўғлини фидо қилди, ўғли Исмоил алайҳиссалом ҳам жонини ўртага қўйди.

Биз нафсимизни молимизни Аллоҳ йўлида қанчалик сарф қила оламиз? Ояти Каримада буюриляптики: **“Жонлари ва моллари эвазига жаннатни сотиб олган мўминлар...”** (“Тавба”, 111)

Демак, бу фидоийликлар учун умр бўйи зиммамизга тушган бир вазифа бордир.

6. Шайтон ва нафсни тошбўрон қилмоқ.

Аввал таъкидлаганимиздек, шайтонга тош отиш, аввало, ичдаги шайтонга тош отиш билан бошланади. Бу ҳазрати Иброҳим, Ҳазрати Исмоил ва Ҳожар онамизнинг шайтоннинг васвасаларига қарши тош отиб қувганларининг хотирасидир.

Ҳар вақт ўзимизни тафтиш қилмоғимиз лозим. Ичимиздаги васвасаларни, шубҳаларни ва хатоларни бартараф этишга, албатта, эҳтиёжимиз



бор. Иброҳим алайҳиссалом, Ҳожар онамиз ва Исмоил алайҳиссаломнинг шайтонни ва нафсни тошбўрон қилганлари, ундаги ихлосдан бизлар ҳам насиба оламизми? Бу ҳоллар бизни қанчалик теран туйғуларга етаклай олади? Ҳаж ва умранинг барча босқичларидаги банданинг орзу қилинган даражаси ва мақоми шудир.

7. Давомли дуо ва зикр ҳолида бўлмоқлик.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “...Арофатдан тушганидан сўнг Машъарул ҳаромда Аллоҳни зикр қилинг ва Уни сизга кўрсатган шаклда зикр қилинг. Шубҳасиз, сиз аввал адашганлардан эдингиз” (“Бақара”, 198).

“Ҳаж ибодатларимизни битиргач, оталарингизни эслаган каби, ҳатто ундан ҳам қувватли бир шаклда Аллоҳни зикр этинг, инсонлардан шундай кимсалар борки: “Эй Роббимиз! Бизга дунёда бер!” дейишади. Бундай кимсаларнинг охиратдан ҳеч насибаси йўқдир” (“Бақара”, 200).

Яъни ҳаж ва умрада кўп айтишга буюрилган талбия ҳам давомли зикр ва дуо ҳолида талқин қилинади.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам шундай марҳамат қилдилар:



“Талбия айтаётган бирор бир мусулмон йўқки, унинг ўнгида сўлида бўлган тош, ёғоч, тупрок у билан бирликда талбияда бўлмасин. (Яъни атрофидаги барча нарса бирга талбия айтади). Бу иштирок (ўнг ва чапни кўрсатиб) шу ва шу истиқоматда ернинг сўнг худудига қадар давом этар” *(Термизий. Ҳаж)*

Зикр ва дуонинг қалбда яхшилаб ўрнашиши учун талбия шунчалик муҳимки, ёлғиз қилинадиган ибодатлар овозсиз бўлгани ҳолда талбияни баланд овоз билан айтмоқ амр қилинди. Шундай қилиб банда ҳам ўзини, ҳамда атрофини руҳ ва жисм оҳанги ичида зикр қилади, дуо билан машғул қилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар:

“Жаброил алайҳиссалом менга келиб, асҳобимга ва мен билан бирга бўлганларга, талбия айтишар экан овозларини юксалтирмоқни айтишимни буюрди” *(Абу Довуд).*

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам, муборак маконларда дуо ва зикр ҳолининг муҳофазаси учун қандай кайфиятда бўлиш, гаплашиш мумкинлигини шундай баён қилдилар:

“Байтуллоҳ атрофидаги тавоф намоз кабир, фақат бунда гаплаша оласиз. Шундай



бўлгач, ким тавоф асносида гаплашса фақат хайрни гаплашсин” *(Термизий).*

Шу ергача келтирган дастурларимизнинг замирида шу огоҳлантириш ётади.

8. Кўнгил илоҳий афв, файз ва мукофотни топтоми.

“Бир умра, бошқа умрага қадар орадаги гуноҳ ва хатолар учун каффоратдир. Ҳажжи мабрурнинг адо этилиши жаннатдан бошқа бир нарса бўлмас” *(Бухорий).*

Дарҳақиқат, Ҳарамайн шарифайнга ета олган ҳар бир мўминнинг орзуси, ҳаж ва умра ибодатини шундай комил маънода адо қилмоқдир. Онасидан янги туғилган чақалоқдек бегуноҳ ҳолда уйга қайтмоққа, бу илоҳий лутфни қозона олмоққа лаёқат кўрсата олиши керак.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилдилар: **“Ҳар ким, шу Каъбаи Муаззамага ҳаж нияти ила келиб, фиск ва фужур ишлатмасдан ҳажини адо этса, онасидан туғилгандек гуноҳсиз бир шаклда топтоза ҳолда уйига қайтади”** *(Муслим).*

Бу муждалар, ҳеч шубҳасиз, мабрур бир ҳаж қилган, яъни ҳажлари бошдан охиригача гўзаллик



ва фазилат ила тўла бўлган мўминларни севинтириш учун айтилган.

Ҳадиси шарифларда таъкидланишича, мақбул ва мабрур бир ҳаж натижасида “Банданинг устидаги бошқа бандаларнинг ҳақлари”дан ташқари бутун гуноҳлар афв қилинади. Афвнинг соҳиби Аллоҳ таолодир. Лекин инсонларнинг ҳаққи бўлса, у қиёматга қолдирилади.

Бу билан бирликда ҳаждаги умумий афв муждасининг моҳиятини тўғри англамоқ керак. Зеро, бандани ўқимаган намози, тутмаган рўзаси ва бермаган закоти бу афвга кирадими, йўқми? Бу ҳақида мукамал билимимиз йўқ. Мўмин умри давомида бу қарзларини адо қилмоғи лозим. Зеро, адо қилинмаган ибодатлардан бандага икки хил масъулият бордир:

Адо қилмаганлигидан туғилган масъулият.

Қазо қилиб, кейин вақтида адо қилмаган масъулияти.

Аллоҳ таоло, мақбул бир ҳаж натижасида намоз, рўза ва закотларни қазога қолдирганлик гуноҳини афв этса ҳам, қазоси адо қилинмаганлик гуноҳини устимиздан олмайди. Шунинг учун қазоларни албатта адо қилиш лозим.

Закотни эса орадаги пулнинг қийматидаги фарқни ҳисоблаб чиқиб ўша вақтдаги роиж бада-



ли билан тўланади (яъни шунча вақт ичида қанча ривожланишига қараб тўланади).

Буларни қазога қолдирганлик учун Аллоҳ таолодан афв талабида бўлинади. Ҳажга кетаётганлар қарзлари бўлса, тўламоғи, ҳақ эгаларидан ризолик сўрашлари лозим.

Қазога қолган намоз, рўза адо қилинади. Ибодат қарзлари бор бўлса-ю, буни адо қилмоққа улгурмаса, Роббимизнинг афви умид қилинади. Лекин, айтилганидек, бу ҳақида аниқлик бўлмаганидан тутмаган рўзаларимиз, ўқимаган намозларимиз, бермаган закотларимизни имкон қадар тезроқ адо қилишга шошилиш зарур. Ҳаждаги умумий афвга суяниб ибодат қарзларимиз, инсон ҳақлари хусусида бепарво бўлмаслик лозим.

Ҳажнинг қабул бўлганлигини аломати кишининг ҳаждан сўнгги холи илоҳий ризога мувофиқ бўлмоғидир. Мўмин ҳажда гуноҳларининг афв этилганлигига ишониб ғафлатда қолмаслиги керак, бу дунё синов-имтиҳондан иборатлигини унутмаслик лозим. Зеро, бир ҳадиси шарифнинг баёнига кўра, **“Кишилар бор: жаннатга бир қадам қолганда (Аллоҳ сақласин) дўзахи бўлиб қолади.** (Бухорий) Инсоният тарихи иймон заманидаги бир оёқ тойилишининг аччиқ кўринишлари билан тўладир.



Шу жиҳатдан мўмин хавф ва ражо орасида бир руҳий мақом ила яшаб, **“Сенга яқин (ўлим) келгунга қадар Роббингга бўйин эг!”** (*“Ҳижр”*, 99) деган илоҳий амрни ўзининг ҳаёт дастурига айлантормоғи зарур.

Муносиб адо қилинган ҳаж, яъни ҳажжи мабрур, илоҳий афв хушхабари билан бандага масъулият, кечиримлилик, қалбни ва жисмни тоза тутмоқ лозимлигини сингдиради. Ислом биродарлиги устунлиги фақат тақво билан бўлган сезгиларни, ҳалоллик ҳассосиятини, таваккул, таслимият ва ихлос каби маънавий ҳислат ва гўзалликларни беради.

Ҳажнинг дунёвий ва уҳровий савоблари булар билан чегараланиб қолмайди.

Ҳажнинг мўмин қулларга атаган фойдаларидан энг муҳими, аввало, Аллоҳнинг ризосидир. Қолаверса, дунёнинг тўрт томонидан келган мусулмонлар орасида муҳаббат, самимият ҳосил қилмоғидир. Дарҳақиқат ҳаж Аллоҳнинг сўнгсиз раҳмати тажаллий этган афв ва мағфиратдир. Бунга эга бўлган мусулмонларнинг иймон ҳаяжони ичида эканликлари ушбу муборак ва муҳташам жараёнда намоён бўлади. У ерда турли мамлакатлардан тиллари, ранглари фарқли, яшаши, урфу одатлари турлича инсонлар Каъбанинг атрофида гўзал шаклда бирлашадилар. Мусулмонлар бу



ерда муҳаббат, фоний ва нисбий фарқликларни ошиб ўтадилар. Кўнгил баробарлигининг ҳузур ва сурури ичида гўзал бир диний биродарлик яшайди. Шу сабабдан ҳаж, Ислоннинг фақат диний бир рукни бўлиб қолмай, бу улуг диннинг ахлоқи, ижтимоий ва сиёсий жабҳасини қувватлантирган бир моҳият касб этади. Ҳаж мўминларга оид оламшумул ҳаётнинг юксак бир обидаси ўлароқ қаршимизга чиқади.







МАДИНАИ МУНАВВАРА ЗИЁРАТИ

Ҳаж ва умра ибодатларининг бошланишида ёки ниҳоясида Мадинаи Мунавварада зиёрат қилганимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мақомотлари қалбнинг илоҳий муҳаббат нақшлари ила зийнатланиб, улуғлик қозонган бир макондир. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни буюк хотиралари ва жон бахш этган нафаси уфурган муборак тупроқларга юз босар экан, Ул зотнинг рухониятидан насибланмоқ ишқи билан Равзаи Мутоҳхаро зиёрат қилинмоғи керак. Бу қутлуғ шаҳарнинг бағрида коинотнинг энг улуғ жавҳари ётганлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик лозим. Ул зотга уммат бўлишнинг ҳаяжони билан алоҳида одоб ва эҳтиром кўрсатмоқлик керак.

Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар:

“...Иброҳим алайҳиссаломнинг Маккаи Мукаррамани Ҳарам (ўлкаси) қилмоғи ва унинг учун дуо қилмоғи каби мен ҳам Мадинаи Мунавварани ҳарам ўлкаси қилдим...”

(Бухорий, Фазоилул Мадина, 6. Муслим. Ҳаж, 462)



Равзаи Мутоҳхаронинг ғунчаси севимли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни жонимиздан, молимиздан, фарзандларимиздан — ҳамма нарсадан ортиқ яхши кўрмоғимиз лозим. Зеро Аллоҳ таолонинг “Ҳабибим!” деган хитоби-га ва илтифотига ёлғиз у зот эга бўлдилар ҳамда бу муҳаббат умматига ҳам амр қилинди.

Қози Иёз раҳматуллоҳу алайҳ “Тавба” сурасидаги “Дегилки, агар оталарингиз, ўғилларингиз, қариндошларингиз, жуфтларингиз, қабилангиз, тўплаган молларнинг кадри тушишидан кўрққан тижорат, хушингизга ёққан уйлар, сизга Аллоҳ ва Расулидан ва Унинг йўлида жиҳод қилишдан яна-да севимли бўлса Аллоҳнинг амри келгунга қадар кутинг. Аллоҳ унга итоатдан чиққан бир миллатни тўғри йўлга бурмайди” (“Тавба”, 24) оятига қаримага “Аллоҳ, умматга Ўзини севгиси билан бирга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни севмоқни фарз қилди” деб маъно берадилар.

Бу борлиққа бўлган севги ва муҳаббат унга восита бўлган ёки унга нисбати берилган нарсаларда акс этади. Масалан, Уҳуд тоғини мингларча тоғдан ажратиб севимли қилган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муҳаббатидир. Шунинг учун Мадинаи Мунавварага борилганида Уҳуд тоғига муҳаббат тўла назарлар билан тўйиб қарамоқ лозим. Зеро, Саиди Коинот соллаллоҳу



алайҳи ва саллам: **“Уҳуд бизни севади, биз ҳам Уҳудни севамиз”** дедилар.

Мадинаи Мунаввара ҳижратдан аввал Ясриб номли бир шаҳар, оддий ўлка эди. Уни Мадинаи Мунаввара деб бутун умматга сеvimли қилган Пайғамбар алайҳиссаломга алоқадор бой хотиралардир. Ҳақиқатан Мадинаи Мунавварани мўминларни кўнглида ҳеч бир шаҳарга қиёсланмайдиган даражада бир муҳаббатга муяссар қилганининг сабаби у зикр қилинганида ҳар он Ҳазрати Пайғамбар эсланганлари учундир.

Айни шунинг каби Аллоҳни севиш Пайғамбар алайҳиссаломни ҳам севишни тақозо этади. Аллоҳ таоло: **“(Расулим!) Дегилки: Сиз ҳақиқатан Аллоҳни севсангиз менга эргашингки, Аллоҳ ҳам сизни севсин...”** (*“Оли Имрон”, 31*)

Худди шу каби Расулуллоҳга тобеъ бўлиш хусусида ғайрат сарф қилиш ва Унинг муҳаббатининг ҳаяжонини сеза олмоқ ҳам кишини Аллоҳнинг севган бандаларидан бўлмоқ шарафига етказди.

Асҳоби киром Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳақиқатига яқинлашмоқ учун У зотнинг руҳонияти атрофида парвона бўлдилар. Унда фоний бўлмоқни дунёнинг энг буюк неъматидеб билдилар ва бу суратда илоҳий лутфларга ноил бўлдилар. Шунинг учун хаста



ва ғофил қалбларимизга энг таъсирли дармон Расулуллоҳга бўлган муҳаббат ва юксак хулқ эгасига шайдолик натижасида майдонга келган суннатга эргашишдир.

Ҳеч бир нарса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам севгисидан олдинга ўтмаслиги керак. На уйимиз, на оиламиз, на бола-чақамиз, на ишимиз, на тижоратимиз!..

Зеро, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам мушфиқ бир онанинг ўз боласига бўлган меҳрибонликдан ҳам буюк бир муҳаббат-ла бизга, умматларига қўл-қанот бўлдилар: “Умматим, Умматим ...” деб яшадилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалату васаллам, асҳобига шундай дердилар:

“Эътибор беринг! Мен ҳаётлигимда сизлар учун хотиржамликка василаман. Вафот этганимда эса, қабримда: “Ё Роббий, умматим, умматим!.. дея илк сур пуфлангунга қадар нидо қиламан...” *(Али ал Муттақий).*

У Зот ҳаттоки Рафиқи Аълога ҳам: “Умматим, Умматим...” дея кўчдилар.

Сўнги нафасларида: **“Мен сизни хавзи кавсар бошида кутаётган бўламан...”** деб бизларга бўлган муҳаббат, шафқат ва тушқунлигини ифода қилдилар.



Аллоҳ таолонинг: **“Сизга ичингиздан шундай Расул келдики, сизни қийинчиликка тушишингиз унга оғир келур. Саодатингизни жудаям истайди, мўминлар учун жуда ҳам шафқатли марҳаматлидир”** (*“Тавба,” 128*).

Оятларига биноан, ҳаёти бўйича Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йиғилари, кулгилари, қайғулари, севинчлари, дуо ва илтижоси, фақат биз уммати учун бўлди. Ҳатто меърож каби хос онларида ҳам бизнинг ташвишимизни қилдилар, биз учун куюндилар.

У зот шундай раҳмат уммонидирки, унинг ҳурматидан зулм, ширк ва исён дамларида ҳам Маккага кўклардан бир бало ёғмади, бир мусибат тушмади. Чунки ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бор эдилар. Бу ҳақиқатни Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“*(Эй Расул) Сиз уларни ичида экансиз, Аллоҳ, уларга азоб этувчи эмасдир...*” (*“Анфол”, 33*)

Фақат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккадан Мадинага ҳижрат қилгач ҳолат ўзгарди. Мушрикларга самовий балолар туша бошлади. Осмонга қараганларида, кўзлари тиниб, очликдан бошлари айланар эди.



Демак, кимнинг кўнглида Пайғамбаримиз мухаббати жой олса, Аллоҳ у кўнгилга азоб бермагай. Мушрикларга ҳам у зотни хурматидан марҳамат қилган Аллоҳ, уни севган, унинг ишқини бир умр қалбида ташиган ва У зотнинг суннатидан айрилмаган кимсани ҳаргиз укубатда, қийинчиликда қолдирмайди. Бироқ кимнинг кўнглида бу ҳидоят куёши бўлмаса, азобдан кутула олмайди.

Ҳақнинг ҳузурида ва умри мобайнида бизни тилидан ва кўнглидан ҳеч қачон туширмаган Пайғамбарлар султони соллаллоҳу алайҳи ва салламга айни ишқ ва мухаббат билан жавоб бериш унга уммат бўлган ҳар бир шайдо қалбнинг биринчи вазифасидир.

Лекин бу кўнглимда бор дея, фараз қилиш билангина бўладиган ҳолат эмас. “Севган, севганига тақлид қилади ва уни кўп тилга олади”. Шунга кўра, Пайғамбар ошиқларининг аломати, ҳар бир амалида ва ҳаракатларида унга эргашишдир.

У зотга кўпдан кўп салоту салом келтирмоқ мухаббатнинг яна бир шарти ҳисобланади.

Бас, Пайғамбарлар султони соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шаъни улуғ сарвари олам бўлгани учун, Имом Молик ҳазратларининг фикрига кўра “Ул Борлиқ Нурининг қабри бор жой



Каъбадан ҳам муқаддасроқдир”. Чунки бутун кинот, у зотнинг ҳурматидан яратилгандир ва Ул зотга тухфа этилгандир.

Қолаверса, ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом шундай дедилар:

“Мени вафотимдан сўнгра зиёрат қилган кимса, гўёки мени ҳаётлигимда зиёрат қилган қабидир” *(Дорақутний)*.

Лекин бу зиёрат асносида одобга риоя қилмоқ жуда муҳимдир. Зеро, ҳақиқий фойда олишнинг илк шарты – одоб.

Кунлардан бир кун Имом Молик ҳазратлари меҳробда эканида, даврнинг халифаси Абу Жаъфар Мансур масжидга келди. Баъзи саволларни берди. Ораларида илмий музокара бошланди. Фақат Абу Жаъфар Мансур гапираётганда овозини баландлатди. Имом Молик ҳазратлари:

“Эй, Халифа! Бу ерда овозингни кўтарма! Зеро Аллоҳнинг танлагани сендан ҳам фазилатли инсонлар ҳузурига жўнатилди...” деб танбех бердилар.

Ўзи гувоҳ бўлган бу юксак одоб қаршисида халифа:

“Эй, имом! Дуо қилаётганда қиблагами, йўқса Расулуллоҳгами бурилайин?” деб сўради.



Имом Молик ҳазратлари шундай жавоб бердилар: “Юзингни нега ундан ўгирасан?! Ул Зот сен ва бобонг ҳазрати Одамнинг қиёматга қадар Аллоҳга василасидир. Аксинча сен Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга юзлан ва унинг шафоатини истагинки, Аллоҳ таоло ҳам уни сенга шафоатчи қилсин” (*Қози Иёз*).

Баъзи одамлар бу ҳақиқатга кўр-кўрона муносабатда бўлурлар. Ҳожиларни Равзада узоқ қолдирмайдилар. Яъни “салом бер, ўт, қиблага қара!” дейишади. Қолбуки, Расул акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам тирикдир. Яъни шаҳидларнинг тирикликлари қанчалик ҳақиқат бўлса, улардан юқорида бўлган пайғамбарлар, хусусан, Оламларнинг сарвари бўлган зот тириклик ичида эканлиги муҳаққадир.

Обида ас Салмоний тобеин наслининг олдингиларидан, фақиҳ ва муҳаддислардан бири эди. Пайғамбаримизнинг вафотидан икки йил олдин мусулмон бўлди, фақат уни кўриш бахтига етишолмади. Обиданинг шу сўзи илк мусулмонларни Пайғамбар алайҳиссаломга бўлган севгисини гўзал тарзда англатади: “Ёнимда Расулуллоҳнинг бир тола сочидан борлиги менинг учун дунёнинг бутун бойлигидан ҳам қимматлидир” (*Аҳмад III, 256*).



Машхур Ислом олими Заҳабий Обида ас Салмонининг Пайғамбар севгисини баён қилиб айтган сўзларини ўқигач, туйғуларини шундай тилга келтиради:

“Расулуллоҳнинг бир тола сочини инсонларнинг бутун олтин кумушларига солиштириб у дунёлар арзимас бўлиб қолиши”ни айтган Обиданинг бу сўзлари юксак муҳаббатнинг намуна-сидир.

У буюк олим Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотидан эллик йил ўтгач шу сўзларни айтган. У зотни ўтганига етти юз йил ўтганидан кейин биз унинг бир тола сочини ёки пойабзалининг бир парчасини ёки у зот сув ичган сопол пиёлани бир бўлагини қўлга киритсак, биз нима дея оламиз? Агар бадавлат киши, бойлигининг катта қисмини ана шундай нарсани қўлга киритмоқ учун сарфласа, сиз уни бойлигини сочиб совурувчилардан дейсанми?

Йўқ! Расулуллоҳнинг муборак қўллари билан қад ростлаган масжиди Набавийни зиёрат этмоқ, унинг азиз шаҳрида, Хужраи саодатининг ёнбошида у зотга салом бермоқ учун сарфламоқдан чекинма!

Мадинага борганингда унинг севгили Уҳудига тўйиб қара ва уни сен ҳам сев! Чунки Уҳуд тоғини Пайғамбаримиз алайҳиссалом

жуда севардилар. Унинг Равзасига ва ўтириб-турган ерларига неча марталаб кетиб, руҳингни қондирмоққа ҳаракат қил! Зеро, коинотнинг сарвари бўлган Ул зотни жонингдан, болангдан, эга бўлганинг ҳамма нарсадан, қисқаси, бутун инсонлардан кўпроқ севмагунигча комил бир мўмин бўлолмайсан...” (Заҳабий. *Сияри Оламин Нубало*)

Ислом тарихининг саҳобалар ва тобеинлар давридан сўнгра энг муҳташам саҳифасини ташкил қилган аждодларимиз Усманийлар давлатидандир. Улар подшоҳидан чўпонига қадар бутун бошли халқи Пайғамбар муҳаббати ила ажралиб турган беқиёс жамият эдилар.

Пайғамбар алайҳиссаломни исми ҳар вақт эсланганида салоту салом келтириш устига эҳтиром ила қўлларини кўксиларига кўяр эдилар. Унинг Мавлуди шарифидан у зотни дунёга келиши ўқилганда оёқ узра тик туриб тингламоқлари хурмат ва эҳтиром, муҳаббат кўринишларини энг мукамал намуналаридир. Буни ана шу улуг давлатнинг подшоҳлари бир урф ҳолига келтириб, анъанага айлантирганлар. Мадинаи Мунавварадан жўнатилмалар келган вақт таҳоратини янгиламасдан, у ердан келган қоғозларни ўпиб кўзига сурмасдан тик турмасдан ўқиттирган бирорта Усманий подшоҳ йўқдир.



Масжиди Набавийнинг таъмирида ҳар тошни каттаю кичик таҳоратли ҳолда басмала билан ўрнига қўйганлар. Усмонийлар бу таъмир асносида болғаларига латта боғлаб Руҳонияти Расулulloҳга озор етказмасликнинг тадбирини қилганлар. Бу мисли кўрилмаган бир одоб ва ҳурмат намунаси дир.

Шунингдек, Усмонийлар даврида Мадинаи Мунавварага келаётганлар, шаҳарга кирмасдан, яқин бир ерда тунашар эди. Ўзларини Мадинаи Мунавваранинг маънавий ҳавосига ҳозирлаб, сўнгра маънавий ишорат билан ҳузури Расулulloҳга яқинлашар эдилар. Зиёратларини адо қилардилар. Қайтишларида мамлакатларига шифо ва табаррук ўлароқ Мадинаи Мунавваранинг муборак тупроғидан келтиришарди.

Усмонийлар подшоҳларининг у замонлардаги портретлари бўлган миниатюраларида саллаларининг учидаги попук супургига ўхшашидаги сирни ким билади?

Бу ишора билан Ҳарамайн шарифайнни супурувчиси эканликларини намоён этардилар. Ҳарамайнни супурувчиларини маошини ўзларининг хос бойликларидан беришарди.

Қоларверса, Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан азиз хотира сифатида соч ва соқолларининг муборак толалари масжид мин-

барларида қирқ тугун ичида сақланиб, “мўйи муборак” номи билан асрлардан бери умматга баракот ва раҳмат бўлиши, нақадар буюк бир муҳаббат ва эҳтиром намунасидир.

Усмонийларнинг бу муқаддас шаҳарларга ҳурмати ва одоби асосан пойтахтдан бошланади. Зотан, у пайтлар ҳаж сафари Оврўпа қитъасидан Осиёга ўтишдаги илк ерга “Ҳарам” номи берилган эди. Ҳарамайн шарифайннинг маънавияти ва одоби учун у ердан хос кўринишда ўраниб йўлга чиқилган. Шу сабабли йўлда машаққатга соладингача бир ҳаракат кўринмасди.

Шу ўринда шоир Набининг 1678 йилда давлат одамлари билан бирга чиққан ҳаж сафари хотираси ниҳоятда ибратлидир.

Наби бу сафарда бир амалдорнинг оёғини ғафлатда Мадинаи Мунавварага қарата узатганини кўради. Бу ҳолдан қаттиқ таъсирланади ва машхур наътини ёза бошлайди. Бомдод намозига яқин қаровон Мадинаи Мунавварага яқинлашаётиб, Наби ёзган наъти масжиди Набининг минораларидан ўқилганини эшитади.

*Тийилгин тарки одобдан, кўйи маҳбуби Худодир бу,
Назаргоҳи илоҳийдир, мақоми Мустафодур бу!*

“Аллоҳ таоло назаргоҳи ва Унинг севимли пайғамбари Муҳаммад Мустафо соллаллоху



алайҳи ва салламнинг мақоми ва ҳудуди бўлган бу жойда одобсизликдан тийилгин”

*Улул одоб шарти-ла кир, Наби бу даргоҳа,
Мақоми қудсиёнدير, бўсагоҳи анбиёдир, бу!*

“Эй Наби! Бу даргоҳга одоб қоидаларига риоя қилиб кир! Бу ер малаклар атрофида парвона бўлган ва Пайғамбарларнинг (эшигини) ўпган муборак макондир.

Буҳолатниқаршисидажудаҳамҳаяжонланган Наби Муаззинни топиб: “Бу наътни кимдан ва қандай ўргандингиз?” – деб сўради.

Муаззин:

“Букечатушимизда Аллоҳ Росули соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга “Умматимдан Наби исмли бир шоир мени зиёрат қилишга кеяпти. Бу зотнинг менга кучли муҳаббати бор. Бу ишқи сабаби ила уни Мадина минораларидан ўзини наъти ила кутиб олинг” деб буюрдилар” – деди.

“Биз бу амри Набавийни бажардик холос!” – деди.

Наби ҳиққилаб йиғлай бошлади ва шундай деди: *“Демакки, Аллоҳ Росули соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга “умматим” деб лутф қилди! Демакки, икки жаҳон қуёши мени умматликка қабул қилди!”*



Бас, ҳаж ва умра ибодатида энг муҳим хусус, бу гўзал туйғулар билан у тупроқларга кетиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни зиёрат ва Байтуллоҳни тавоф қилмоқдир.

Бутун ибодатлар каби ҳаж ва умра ибодатларини ҳам Аллоҳ ҳузурида қабул бўладиган ҳолда адо қилмоқ, комил бир иймон ва ирфон уфқига боғлиқдир. Ҳаж ва умрани мабрур сифатда адо қилмоқ гуноҳлардан покланишга ва Ҳақнинг ризосига василадир. Яъни бу ибодатлардан орзу қилинган натижа, уларни фақат Ҳақ таолонинг рози бўладиган ҳолатда бажариш билан ҳосил бўлади.

Шу маънода Шаблий ҳазратларининг ҳаж қилувчига ҳажнинг қалбий жиҳатига ишорат қилиб сўзлаган сўзлари бутун ҳаж йўлчилари учун муҳим ибратли бир танбеҳ ва иршод моҳиятидир:

“Ҳажга ният боғлаганингизда бугунгача ишлаган маъсиятларингизга тавба қилиб, сироти мустақимга йўналмаган бўлсангиз, ҳақиқий ният қилган эмассиз. Эҳром учун кийинишга ҳозирланар экансиз, ҳар қандай маъсиятдан кечмаган бўлсангиз, унда кийимларингизни ҳозирламаган бўласиз. Ҳаж учун гусл қилаётиб бу поклик, сиздаги маънавий кирларни ва руҳий иллатларни тозаламаган бўлса, ҳақиқатда покланганлардан



эмассиз. Ҳарамии Шарифга кирар экансиз, бутун ҳаромларни ва Ҳақдан узоқлаштирадиган ҳар хил сўз ва амалларни тарк этмоққа сўз бермаган бўлсангиз, ҳақиқатда Ҳарамга кирган бўлмайсиз...

Қурбонлик қилаётиб ошиқча нафсоний истакларингизни ва иродангизни ҳақнинг ризосида йўқотмаган бўлсангиз ҳақиқатда қурбонлик қилмайсиз. Шайтонга тош отаётганда, ичингиздаги жаҳолатни ва васвасаларни ҳам тош бўрон қилмасангиз ҳақиқатда тош отган бўлмайсиз. Каъбани зиёрати билан сизда илоҳий икромлар ордими? Кўнглингиз хузур ва сурурга тўлдими?”

Зеро, ривоятда:

“Ҳожилар ва умра қилувчилар, Аллоҳнинг зиёратчиларидир. Зиёрат қилинганнинг ўзини зиёрат қилувчига икром қилмоғи, зиммасидаги бир ҳақдир”, – дейилади. Сиз бу икромни фарқ қилолмасангиз ҳақиқатда зиёрат қилган ҳисобланмайсиз” (Ибн Арабий, *Футуҳоти Маккия*)

Хулоса, Шиблий ҳазратларининг диққатимизни тортмоқчи бўлган хусуси шуки: **“Ҳажни ва умрани Аллоҳ учун том маънода адо қилинг!...”** (“Бақара”, 196) Бу фармони илоҳийсига риоядир.



Бутун гўзалликлари ила адо этилган ҳаж хо-жиларнинг мамлакатларига олиб кетадиган энг улуғ ҳадяларидир. Улар ўз юртларига муборак шаҳарнинг гўзалликларини ва у гўзалликларга яраша ибратли ва ҳикматли хотираларни ўзлари билан олиб борадилар. Солиҳ бандаларнинг гўзал ахлоқлари шундай бўлмоғи керак!

Шу эътибор билан Покистоннинг маънавий меъмори Муҳаммад Иқбол бир кун Мадинадан қайтаётган ҳожиларни зиёрат қилаётиб, улардан комил бир мўминнинг кўнгил уфқини ёритадиган шу саволларни сўрадилар:

“Мадинаи Мунавварани зиёрат қилдингиз! Уҳровий Мадина “Чорсу”сидан кўнглингизни қандай ҳадялар билан тўлдирдингиз? Келтираётган моддий ҳадяларингиз: дўппилар, тасбеҳлар, жойнамозлар бир муддатдан сўнгра эскиради, битади, тугайди. Мадинанинг ҳеч сўлмайдиган, кўнгилларга ҳаёт берган, руҳоний ҳадяларини ўзингиз билан олиб келдингизми?...

Ҳадяларингиз ичида Ҳазрати Абу Бакрнинг сидқ ва таслимияти, Ҳазрати Умарнинг адолати, Ҳазрати Усмоннинг ҳаёси ва мардлиги, Ҳазрати Алининг ирфони ва жиҳоди борми? Бугун минг бир изтироб ичида қоврилган Ислом дунёсига кўнглингиздан бир асри саодат ҳаяжонини бера оласизми?”



Мадинаи Мунаввара Зиёрати 

Аллоҳ таоло, ҳаммамизни Ҳарамайни Шарифайннинг руҳониятидан муносиб тарзда файз олмоқни насиб айласин! Ҳассос ва нозик қалб ила ҳам руҳан, ҳам жисмонан ҳаж ва умра қилмоқни эҳсон айласин!

Шу билан бирга қилган ва қиладиган ибодатларимизни мақбул ва мабрур айласин! Омин!

04.03.2014 йил





